

Менинг икки нафар фарзандим бор. Уларнинг каттаси ўн бешга, кичиги эса ўн икки ёшга тўлди. Агар мен автомашина сотиб олсам, уни ўғилларимдан бирининг номига расмийлаштирсам бўладими?

5 бет

Шу куннинг ўзида соат 21:00 да дўконча олдиди тўпланишган бешовлон 1-Боёвот СФУ ҳудудидиғи "Одилхўжа" фермер хўжалиғи даласидан ўтган газ қувурларини ўғирлаш илнжиди йўлға тушдилар...

9 бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУШУҚ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2010-yil 18-noyabr, №46 (723)

Жараён

Конституция – давлат ва жамият қурилиши ислохотларининг асоси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин маънавий жабҳаларда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва давлат қурилишида чуқур демократик ўзгаришлар юз берди. Яъни юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қурилиши жараёни бошланди. Бу туб ўзгаришлар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз орқали ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди.

Тарихга назар ташлаб, Конституциямиз қабул қилиниши билан боғлиқ жараёнга тўхталдикан бўлсак, мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустақамлаб қўйиш муаммоси юзга келганини англаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентини мамлакатимиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаганди. Юрбошимиз ўзининг "Ўзбекистон: миллий, истиқлол, иқтисод, сибасот, мафкура" асариди: "Давлатимизнинг келажиги, халқимизнинг тақдирини кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ", деб ёзган эди. Янги Конституция давлатимиз ички ва ташқи сибасотининг асосий қондаларига, қадриятларига, инсон ҳуқуқларига, давлат мустақиллиғи принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлигини акс эттириши керак эди.

Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиғи ҳақидиға гоё илк бор Республикасимизнинг 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи қаҳриқ Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаёқ айтилгани алоҳида эътиборга молик.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиғи эълон қилиниди ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиғи асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун қабул қилиниди. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилиниди.

Асосий Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди ва жуда кенг тус олди. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш, қонунимизнинг мукамал бўлишига жуда бой материал тўплаш имконини берди.

Тўпланган ҳужжатлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокама-сига киритилди.

Республика Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳаси 8 декабрь куни қабул қилиниди ва ушбу кун "Конституция куни" деб эълон қилиниди.

Конституция ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, миллий давлатчилиғи ривож, фуқароларининг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва турмуш тарзини белгилаб берадиган асосий қонунидир. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолиғида 18 йил илғари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини ифода этиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондаларига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустақам йўлини белгилаб берди.

Ўзининг тузилиши, йўналиши, маъмуни жиҳатдан аввалги конституциялардан принципал равишда фарқ қилувчи Ўзбекистон Конституцияси дастлабки молдасидан то охириги 128-молдасига қадар мустақиллик гоёси билан суғурилди.

Дарҳақиқат, Асосий Қонунимизнинг ҳар бир бўлими, ҳар бир молдаси, ҳар бир бандида янғича қараш, янғича ёндашув, янғича гоё ва янғича фикр ўз аксини топгани ҳолда истиқлол нафаси уфуриб турганининг гувоҳи бўламиз.

Халқимиз Конституциямизнинг қабул қилиниши орқали дунё ҳамжамиятига ўзининг умуминсоний қадриятларга содиқ эканлигини намойён қилди. Ушбу умуминсоний қадриятларнинг диққат марказида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини таъминлаш давлатимиз олдидиға олий масъулият эканлиғи Конституциямизнинг асосий гоёси сифатида тан олинди.

Юрбошимиз: "Халқ юз йиллар мобайнида озодлиқни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақиллиқни қўлга киритиб, тул-лаб-янашаи ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши - биз қўзлаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади", деб таъкидлади.

Юртимизнинг Асосий Қонуни - Конституциямиз қабул қилинган куннинг ҳар йили қўтаринки руҳда нишонланиши афъанага айланган.

Мазкур Конституциямизда ўзбек халқининг иродаси акс эттирилган бўлиб, ҳуқуқ ва ман-

Шуҳрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурорининг ўринбосари,
Республика Харбий прокурори

фаатларимизнинг қонун билан қўриқланиши кафолатлаб берилган.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари тўғрисидаги қондаларни аввалги Конституцияларга солиштирсак, истиқлолимиз шарофати билан юзга келган янги ҳуқуқ ва эркинликлар тизимини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошиши кафолатланиши кучайтирилганини ҳис қилиш мумкин.

Инсонни эъзозлаш, манфаатларини ҳимоялаш чинакам демократик, адолатли давлатга хос хусусиятидир. Асосий Қонунимизнинг 13-молдасида қўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланган, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Конституциямизнинг энг халқчил, демократик ва ўта нуфузли Конституция тарихида жаҳондаги барча илғор ва тараққий топган давлатлар томонидан тан олинishi, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Битим ва бошқа Конвенцияларга мувофиқ деб эътироф этилиши унинг янада халқчиллигидан далолат беради.

Асосий Қонунимизда эришган ютуқларимиз ва олий мақсадларимиз белгилаиб, мустақамлаиб қўйилди, унда мустақилликка эришганимиз, мустамакаликдан қутулганимиз, муетабилликка барҳам берилгани, давлатнинг суверен атрибутига тўла эришилганини, миллий Армия, Қуролли Кучлар Академиясига эришилганини, муқаддас муслмон динимиз қайта тикланганини, давлат тили ўрнатилганини мустақамланди.

Конституциямизда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари қатори прокуратуранинг мақоми ва фаолияти, унинг тамойиллари белгилаб берилди. Давлатимиз ҳудудиди қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши мустақамлаб қўйилди.

/Давоми 3-бетда/

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси
Давлат байроғи қабул қилинган кун

Мангу ҳилпирайвер, Ватан байроғи!



Ҳар бир давлатнинг ўз суверенитетини белгилайдиган рамзлари бор. Давлат байроғи улар орасида алоҳида ўрин тутди. Зеро, байроқ халқнинг ўтмиши ва бугуни, мустақиллиғи, тинчлиғи ва барқарорлиғи рамзидир.

Давлатимиз тарихининг қайси даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари ҳамиша азиз ва муқаддас саналгани, уни қўз қорачиғидек асраганларига гувоҳ бўламиз. Хусусан, улуг аждодимиз Наҳмиддин Кубро она юртини мўғул босқинчиларидан ҳимоя қиламан деб, байроқни қўлида баланд кўтарганча жангга кирган ва душманга қарши мардона курашиб шаҳид кетса-да, чанғалида мақам тутган ҳурлик яловини ҳеч ким бўшатиб ололмаган.

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур салтанатида давлат туғи адолат, буюк куч-қудрат рамзи ҳисобланиб, у энг ишончли баҳодирлар ва саркардалар томонидан қўриқланган. Жангу жадалларда юксак мардлик ва жасорат белгиси сифатида энг кучли баҳодирларга ҳада қилинган. "Темур тузуқлари"да таъкидланишича, шижоат ва мардлик кўрсатиб, душман устидан ғалаба қозongan амирлар ва сипоҳийлар давлат титмослари-туғ ва ногора билан мукофотланган. Бу Соҳибқирон салтанатида давлат рамзларига бўлган ҳурматнинг нечоғли баланд эканлиғидан далолат беради. Шу боис давлат байроғини муқаддас билиб, кўзга суртамыз, унинг қаршисида тиз чўкамиз.

Мана 19 йилдирки, дунёнинг мана-ман деган халқаро ташкилотлари бинолари олдиди, Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, спорт мусобақаларида давлатимиз байроғи мамлакатимиз мустақиллигининг рамзларидан бири сифатида ҳилпираб турибди.

/Давоми 4-бетда/



Обуна - 2011
Хурматли
юртдошлар!

Ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш олдимизда турган устувор вазифалардан биридир. Бу жараён ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг маъзун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган "НУҚУҚ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкломқда.

Прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, таҳририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2011 йилда ҳам "НУҚУҚ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

ОБУНА БЎЛИШИГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

НАШР ИНДЕКСИ — 231

Бюджет интизоми — тараққиёт гарови

Хонқа туман прокуратураси томонидан мутахассисларни жалб қилган ҳолда бир қатор қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий нафақаларнинг тайинлиниши ва тўла-ниши юзасидан ўтказилган текшириш-шувда айрим мутасаддиларнинг қонун-бузилиш ҳолатларига йўл қўйганлик-лари аниқланди. Масалан, тумандаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинида кам таъминланган ва воёга етмаган болалари бўлган оилаларга ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш комиссияси аъзоларининг айби билан 16 (18) ёшгача фарзанди бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш бўйича 3 та ҳолатда 640 минг 560 сўм, 2 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга тўланадиган нафақа бўйича 9 та ҳолатда эса 4 млн. 400 минг 550 сўм нафақа пуллари оилаларнинг бир ойлик даромадлари белгиланган мезондан ошган бўлса-да, фуқаролар томонидан қўшимча равишда тақдим этилган даромадлари тўғрисидаги маълумотномаларнинг тўлиқ ўрганилмаганлиги натижада тўланиб келинган.

Комиссия томонидан фуқаролар Э.Дурдиева ва М.Қобуловларнинг фермер хўжалиқларида ишлаб, олган ойлик маошлари, қўшимча томорқа даромадлари ва декрет пуллари талаб қилиб олинган, нафақа ҳужжатларига қўшилиб, нотўғри ҳисобланганлиги оқибатида уларнинг бир ойлик даромадлари жон бошига белгиланган мезондан ошиб кетган. Аммо комиссия томонидан бу ҳолатларга аҳамият берилмай, нафақа пуллари нотўғри тайинланган.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ишламайдиган оналарга фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар ажратиладиган нафақа тайинлашни сўраб мурожаат қилган фуқаролар С.Зарипова, Н.Султонова, М.Қобулова, Н.Сатимова, А.Ортиқова ва

Максим АЛЛАМУРАТОВ,
Хонқа туман прокурори

Н.Рўзметоваларга нафақа тайинлинишида оилаларнинг бир ойлик даромадлари белгиланган мезондан ошганлиги, фуқаролар томонидан иш ҳақи кўрсатилган ва қўшимча даромадлари тўғрисидаги маълумотлар талаб қилиб олинмаганлиги оқибатида 2 млн. 823 минг 330 сўмлик маблағ нафақа пуллари тайинлаш комиссиясининг айби билан ноқонуний тайинланган.

Шунингдек, "Олажа" қишлоқ фуқаролар йиғинида кам таъминланган ва воёга етмаган болалари бўлган оилаларга ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш комиссияси аъзоларининг айби билан 16 (18) ёшгача ҳамда 2 ёшгача фарзанди бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш бўйича 4 та ҳолатда 708 минг 384 сўм нафақа пуллари комиссия аъзолари томонидан ноқонуний равишда тўланиб келингани аниқланди.

Қизғини шундаки, айрим ҳолатларда қонун асосида давлат нафақаси тайинлангани мумкин бўлмаса-да, миллионлаб бюджет маблағлари асоссиз равишда тайинланган. Аммо ҳақиқатда давлат ёрдамига муҳтож бўлган оилаларга эса лимитнинг етисмаслиги баҳонаси билан ёрдам пуллари берилмаган. Мутасаддилар давлат бюджетига маблағларини ўз билганларича тасарруф этиб келишган.

Текширишлар якуни бўйича қонунга зид равишда тўланган маблағлар тўла қайтарилиб, бу каби қонунбузилиш ҳолатларининг бошқа қишлоқ-маҳаллаларда такрорланмаслиги учун туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Айбдор деб топилган мутасаддиларнинг жавобгарлик масаласи эса ҳал этилди.

нисбатан зўрлик ишлатиш ҳамда бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий маданиятнинг роли, аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари, аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишда хотин-қизлар қўмитасининг вазифалари каби қатор долзарб масалалар юзасидан мунозаралар олиб боришди. Семинарда аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган бу борадаги ишлар қўлами кенглиги ҳамда амалга оширилаётган саяё-ҳаракатлар алоҳида эътироф этилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал асосларини яратиш ва такомиллаштириш, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича зарур чоралар кўришмоқда. Шу билан бирга, аёллар ҳуқуқлари бўйича таълим ва ахборот-маърифий фаолият тизимини яратиш ҳамда олиб бориш, аёлларга оид қонунийлик талабларини тўлиқ бажарилишини таъминлашда прокуратура органларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳам айтиб ўтилди.

Шунингдек, семинар доирасида қатнашчилар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини рўйбга чиқарувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини тўғри татбиқ этилишини таъминлаш юзасидан суд, прокуратура органлари ҳамда мутасадди ташкилот ва идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти бу борадаги эзгу мақсадларни рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидланди.

Тадбир сўнггида қатнашчилар томонидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нафрс йўлида адашганлар

Дунё дунё бўлибдики, икки қарама-қарши кутб, яъни яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги аёвсиз кураш асрлар оша давом этиб келаяпти. Бу курашнинг яна қанча давом этиши ҳеч кимга маълум эмас. Хайриятки, ҳақиқатда ёмонлардан яхшилар, ёмонлик тилангандан яхшилик истаганлар кўп бўлган. Шунинг эвазига аксар ҳолларда меҳрнинг қаҳр устидан қўли банд келаётир. Шу боис жабр-зулмин лаънатловчи, меҳр-шафқатни улғувчи гоёлар, адабиёт ва санъат дурдоналари яратилди. Ёмонлиқни жазолаб, яхшиликни рағбатлантирадиган кўпдан-кўп қонунлар дунёга келди. Меҳр-шафқат, хайр-саховат ҳамма нарсадан устун турадиган адолатли жамият қуришни орзу қилган одамзот изла-нишлардан, курашлардан бир зум бўлсин тўхтагани йўқ.

Аммо ҳали бу йўлда инсон жуда кўп тер тўкиши керак. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилган юртимизда ҳам жиноятчилик бошлаган ишларимизга тўғанок бўлмоқда. Биров нафсининг, кимдир хирсининг, яна бошқаси газабнинг қўлига айланиб, жиноятга қўл ураётти. Ҳатто баъзида ақлу ҳуши жойида, ўқимишли кишиларнинг, тоғни урса, талқон қилади-ган ёшларнинг жиноят қўчасига кириб қолаётгани ачинарли ҳолдир. Масалан, Даврон Ўсаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган)ни олайлик. У 1974 йилда Косон туманида туғилган, оила-ли, уч нафас фарзанднинг отаси. Олий маълумотли мутахассис.

У илгари Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2004 йил 24 августдаги ҳукмига кўра, ЖК 277-моддаси 2-қисмининг "в" ва "г" бандлари билан ва 2007 йил 12 апрелда мазкур суднинг ҳукмига кўра, ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан жиноий жа-вобгарликка тортилган. Д.Ўсаровнинг

Алишер МИРЗАЕВ,
Қарши шаҳар прокуратураси
терговчиси

боши икки марта деворга урилса ҳам тўғри йўлга тушиб олиш учун ўзида ирода, куч тополмади. Аксинча, олий маълумотли врач-жарроҳ Шавкат Бердиевни ҳам жиноят қўчасига бошла-ди...

2009 йил 16 декабрда фуқаро Мамамаев Мамазов Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Қарши шаҳар бўли-мига ариза билан мурожаат қилиб, биз юқорида исм-шарифларини келтирган кимсалар валюта айирбошлаш билан шуғулланишларини, уларга қонуний чора қўришни сўраган.

Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси худудиди Д.Ўсаров ва унинг жиноий шериги Ш.Бердиев М.Мамазовдан 3000 АҚШ долларини 6 150 000 сўмга сотиб олганида қўлга олинди, фуқаро Д.Ўсаровдан 3000 АҚШ доллари ва фуқаро Д.Мамазовдан 6 150 000 Ўзбекистон сўми далилий ашё сифатида олинган. Қўрииб турибдики, Д.Ўсаров ва Ш.Бердиевлар текин даромад топиш илжинида охирини ўйламай жиноят содир этишган.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаролар Д.Ўсаров ва Ш.Бердиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ҳукми билан улар қилмишларига яра-ша жазоларини олишди. Жиноятга жазо муқаррар деб шунга айтсалар керак-да.

Одам ўз номига доғ тушириб қўйиб, кейин бир умр афсус чекиб юрмасли-ги учун ҳар бир қадамини ўйлаб боси-ши керак. Эл орасида уятдан бош эгиб юришдан ёмони йўқ. Лекин айбни ювса бўлади. Бунинг учун хатодан тегишли хулоса чиқариб, тўғри йўлни танлаб олмоғи даркор.

Мойли ишнинг миси чиқди

Бахтиёржон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Шахрихон туман прокурори ўринбосари

Таваккал Тоштемуров эллик ёшга чиқиб, олти нафар фарзанд-нинг отаси бўлса-да, афсуски, бирон жойда ёлчишиб ишламади. Қунлардан бир кунни уйда ўйлаиб ўтирган эди, қўшини Жасур келиб қолди. Салом-алиқдан сўнг Жасур гап бош-лади:

— Таваккал ака, бир иш қилмоқчи-ман.

— Қанақа иш экан?

— Ёғ чиқарсам дегандим. Эшити-шимча, яхшигина даромад топиш мум-кин эмиш.

— Зўр-у!

— Зўрликка зўр, аммо шунча чигит-ни қаердан олишни билмапман.

— Бу муаммони мен ечиб бераман.

— Ростданми? Унда бошлайвера-ман.

Шу сўхбатдан сўнг Жасур Андижон шаҳридаги темир буюмлар бозоридан қўблага усулда ясалган мойжувозни сотиб олди. Таваккал ҳам бекор юр-май, жияни Мансурни ёнига қақирди.

— Жиян, бекор юрибсан. Бир иш бор, қилмаймизми?

— Сиз нима десангиз шу, амаки.

— Чигит топсанг, фойдасига пул-лайдиган жой бор.

Пулнинг дарагини эшитиб, йўлга от-ланган Мансур, дарҳол пахта тозалаш заводида ишлайдиган ишчилар билан гаплашди. Сўнг Таваккалнинг ёнига келди:

— Амаки, чигит топдим. Фақат уни ярим тунда бориб олиш керак.

— Бўлаверди.

Эртаси кунги ерим кечада Таваккал-

нинг "Москвич" русумли машинасида йўлга чиқиб, завод ишчиларидан 30-40 қоп чигит олгач, Жасурга хабар беришди.

— Жасур, чигит топдим. Қаерга ту-ширасан?

— Ишни тоғамни уйда қиламан.

Ўша ерга туширамиз.

Шундай қилиб Жасур 1462 кило-грамм чигитнинг ҳар килограмминини 400 сўмдан сотиб олди. Аммо уларни қайта ишлашга улгурмади. Ҳуқуқни му-хофаза қилувчи орган ходимлари то-монидан ўтказилган тадбирда ноқону-ний ишга чек қўйилди.

Айбдорлар жиноят ишлари бўйича Шахрихон туман суди томонидан те-гишли жазоларини олдилар.

Бундан кўринадики, жойлардаги маҳалла раислари ва фаоллари етар-лича иш олиб боришмапти. Агар улар ўз худудларида фуқароларни иш билан банд этиш учун жон қойитганла-рида ана шундай қонунга хилоф иш-лар қилинмаган бўларди. Раислик катта масъулиятни талаб этади. У ўз худудидида ҳар бир кишининг нима билан машғуллиги ва ҳар бир хонадонда қан-дай ишлар қилинаётганидан боха-бар бўлмоқлиги даркор. Қайси маҳал-ланинг одамлари ва раиси хушёр, сер-гак бўлса, ўша ерда ноҳўя ишларга, ҳуқуқбузарликларнинг, жамият ва хал-қимиз учун зарарли ишларнинг пайи қирқилади.

Аёллар ҳуқуқларига бағишланди

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Юртимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, уларга нисбатан зўрлик ишлатиш-нинг олдини олиш, шунингдек, оила аталмиш муқаддас қўрғонни янада мустаҳкамлаш борасида кўплаб амалий чора-тадбирлар қўриб ке-линмоқда.

Ўтган ҳафта Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган "Аёлларга нисбатан зўрлик ишлатишнинг олдини олишда оила, жамият ва давлатнинг роли" мав-зусидаги илмий-амалий семинар ҳам юқоридаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурату-расининг Олий ўқув курслари томо-нидан Тошкент вилоят прокуратураси ва вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дип-ломатия университети, Тошкент дав-лат юридик институти, Чирчиқ шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Тадбир иштирокчилари аёлларга

Конституция —

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Мустақиллигимизни ардоқлаш ва ҳимоя қилиш масалалари Асосий Қонунимизда белгиланди. Унинг 26-боби "Мудофиа ва хавфсизлик" деб номланади. 125-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади", деб белгиланган.

Конституциянинг 126-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуроли Кучларга эга эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг Қуроли Кучлари бевосита мудофиа мақсадларида ташкил қилиниб, урушлар ва қуроли мижозларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ва аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ҳарбий бирлашмалар, қўшунлар ҳамда қисмларини, шунингдек, бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади. Бу норма шунинг асосида, Қуроли Кучларимизнинг миқдори ва ҳажми бошқа давлатларга қарши агрессия мақсадларида қўллашга эмас, балки давлатимизни муносиб ҳимоя қилишни таъминлаш мақсади.

Мудофиа қобилиятимиз ўзидан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий ва маънавий омилларни уйғунлаштирган. Аввало, мудофиа қобилиятимизни шакллантириш йўлида кўп ишлатилган, куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечишдек мақсадни илгари суриб, бу борада қатор мажбуриятлар қабул қилинди.

Барчамизга маълумки, мудофиа қобилиятимизнинг муҳим қисми Қуроли Кучлар ҳисобланади. Ҳарбий қурилиш соҳасида ислохотлар ўтказилар экан, профессионал армияни, ҳар томонлама яхши тайёрланган, халқига, юртига, она заминига садоқатли бўлган посбонларни тарбиялашдек мақсадлар олдинда вазифа қилиб қўйилган. Президентимиз бошчилигида асос солинган миллий армиянинг шаклланиши, унинг жанговар салоҳияти, ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, юртимизнинг жўроғий-стратегик ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчи ҳавада ҳам, қуруқликда ҳам муносиб зарба бера оладиган армияни ташкил қилиш жанговар салоҳиятимизни белгилаб берди. Ваҳоланки, жанговар қобилият, ҳарбий қудратни шакллантиришда шахсий таркибининг профессионал даражасини, жисмоний тайёргарлигини, ҳарбий интизомини, уларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришга эътибор қаратилмасдан амалга оширилиши мумкин эмасди.

Бунда халқимизнинг, маданияти, маънавий қадриятларини ўзлаштирган жисмонан ва маънан баркамол юрт фидойиларини тайёрлаш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Бунинг учун кадрлар тайёрлаш тизими, ҳусусан, офицер кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Шу сабабли 1993 йилдан барча олий ўқув муассасаларида офицер кадрлар тайёрлашнинг кўп соҳали тизимига ўтildi. Давр билан ҳамжаман замонавий ўқув тарбия жараёни такомиллаштирилди. Янги-янги инновацион технологиялар ушбу соҳага жо-

давлат ва жамият қурилиши ислохотларининг асоси

рий этилиди ва кун сайин такомиллаштирилиб боришмоқда.

Шунинг таъкидлаб боришимиз жоизки, Конституцияимизнинг бекиёс ўрни миллий армиямизда амалга оширилган илмий ислохотлар, уларнинг самарасида ҳам кўринади. Негаки, ушбу ишлар, янгиликлар учун конституциявий кафолатлар яратилган экан, бу борада ҳам ўзимизга ҳос, ўзимизга мос йўлдан бормоқдамиз.

Олий Бош қўмондонимиз Исом Каримов ўзининг "Миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва оқойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" деб номланган асарига миллий армиямизнинг илк шаклланиш жараёнида ҳақида сўз юритар экан, шундай дейди: "...90-йиллардаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарамастан, биз ҳарбий қурилиш соҳасида олдимизда турган долзарб ва улкан вазифаларни ҳал этиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган моддий ва маънавий манбаларни излаб топиш мақсадида қаттиқ иш олиб бордик". Дарҳақиқат, миллий армиямиз тамад топи қўйилганидан эътиборан давлатимиз раҳбарияти бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Аминимизки, ҳарбий хизматчиларимиз табиий, экологик қийинчиликларга қарамастан ўз бурчларини виждонан бажаришди. Албатта, бунга жавобан давлатимиз уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаб, ҳарбий хизматчиларнинг табиий қийинчиликлар мавжуд бўлган ҳудудларда олиб бораётган хизматлари қўнчилигимизга биноан имтиёзлар билан қафолатлаган. Шунга асосан, айрим ҳудудлардаги бир йиллик хизмат икки йилга, бир ярим йилга ҳисобланади.

Яна бир муҳим ҳужжат ҳақида тўхталсак, бу Президентимиз, Қуроли Кучларимиз Олий Бош қўмондонини Исом Каримовнинг 2006 йилнинг 14 январидати қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматини ўташ тартиби тўғрисида"ги Низомдир. Ана шу муҳим ҳужжатнинг айнаван Ватан ҳимоячилари кунда имзоланишида ҳам ўзига ҳос рамзий маъно бор. Зотан, бу мардлик касбини танлаган, ҳарбий хизматни Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб санайдиган юрт ҳимоячилари доимо давлатимиз эътиборида эканлигини далилат беради.

Ушбу Низомнинг олтинчи бобида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Унда ҳарбий хизматчиларнинг қўнчилигимизга белгиланган тартибда нафақа, тиббий таъминот ва бошқа қўллаб ижтимоий кафолат ҳамда имтиёзлардан фойдаланиши кўрсатиб ўтилган.

Давлатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-оқойишта ҳаётини сақлаш, хизмат бурчинини бажариш чоғида қарамонларча ҳалок бўлган она-юрт ҳимоячилари байрамларда ёлға олинади, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Бу эса Конституциямизда ўз ифодасини

топган инсонпарварликнинг, инсонийликнинг олий қадрият даражасига қўтарилганидан, мамлакатимиз, халқимиз ўз фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигини, қолаверса, она Ватани ҳимояси йўлида мард ва жасурлик кўрсатган ҳарбийларимизнинг оила аъзолари доимо маънавий қўллаб-қувватланиши, ижтимоий муҳофиза қилинишидан далилатдир.

Давлатимиз иқтисодиёти ривожланиб, устувор мақсадларимиз йўлида далил одимлар ташлаб бормиз. Бу ўз-ўзидан миллий армиямиз янада шаклланиб, ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайиб бораётганлигини гувоҳлик беради. Бобокалонимиз Амир Темури бекжизга "Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат бой бўлур", деганга, ахир, Қуроли Кучларимиздаги ислохотларнинг муҳим йўналиши миллий армиямизнинг жанговар қудрати ва маҳоратини юксалтирадиган куч - армия сафларидати инсонларга, уларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилгани ўз самарасини бермоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, армиямиз тоъ маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч-бу армия сафларида хизмат қиладиган инсонлардир. Шу маънода қарайдиган бўлсак, ҳарбий соҳадаги ислохотлар аввало заминимизда туғилиб, ўсган, вояга етган ватанпарвар инсонларга эътибор, ғам-ҳўрликка қаратилди. Бунинг исботини кейинги йилларда қабул қилинаётган муҳим Фармон ва Қарорлар ҳам кўриш мумкин. Эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг асарияти армия сафларида хизмат қиладиган, юрт ҳимоясини ўзига бурч ва касб деб билган ҳарбийларимизни янада кенгроқ ижтимоий ҳимоялаш, уларга турли имтиёзлар яратишга қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг олий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида" ги Қарорига кўра муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул маошлари икки баробарга, хизматдан резервага бўшатиладганда бериладиган пул миқдори эса энг кам иш ҳақининг 16 бараварига ошдирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги Қарорига биноан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йилгитаримизда бериладиган имтиёзлар тизими янада такомиллаштирилди.

Ҳарбий қисм тавсияномасига эга бўлган ёшларимиз республика олий ўқув юртиларига ўқишга киришда тезда тўплалиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорига имтиёзга эга бўлиши.

Шунингдек, Қуроли Кучлар сафига хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофиза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уларни замонавий

шарт-шароитларга эга бўлган турар жойлар билан таъминлаш мақсадида, 2007 йил 14 сентябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар жой билан таъминлаш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида" ги Қарори эълон қилинди.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшнларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий ва сафарбарлик жиҳатдан тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони 2008 йил 20 ноябрь кунин қабул қилинди. Мазкур Фармонга асосан фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилгига икки марта қақришдан иборат совет тизимидан қолган ва муддатли ҳарбий хизматчиларга ҳарбий мутахассислик сирларини ўргатишга қийинчилик туғдирадиган олатга барҳам берилиб, юртимизда 2009 йилдан бошлаб фуқароларни Қуроли Кучлар таркибига муддатли ҳарбий хизматга йилгига бир марта - февраль-март ойларида қақриш ва белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни захирага март-апрель ойларида бўшатиш тартиби жори қилинди.

Мамлакатимиз Қуроли Кучлари жанговар тайёргарлигини таъминлашнинг устувор вазифалик тарсида қўшнларни тайёрлашда миллий ғоя, миллий мустақиллик мафқурасига таянган ҳолда тарбиявий ишларни ташкил этишнинг бутун тизимини қайта тузишга киришилганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Ислохотларнинг энг муҳим амалий натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар тамомилан ўзгарганида, ёшларимизни ҳарбий хизматга бўлган қизиқишларида ҳам кўриш мумкин. Ҳарбий хизматдан мустаҳкам ҳаётини қарашларга эга бўлиб қайтган ўғлонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этишга ҳар томонлама тайёр эканлигини намозин этмоқда. Ҳамда ва ишга киришда қатор имтиёзга эга собиқ аскарлар ҳар жиҳатдан тенгдошларига ўрнатилган бўлаётган. Юртимизда яшаётган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи бўлиши - Қуроли Кучлар сафига хизматини нуфузи бениҳоя юксалди.

Қуроли Кучлар Олий Бош қўмондонини Исом Каримов 2010 йил 14 январь кунин "Ватан ҳимоячиларига байрам табриги" да: "Шу давр ичида амалга оширилган ишларни баҳолаб эканмиз, бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимизни барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқи-

мизнинг тинч ва оқойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор", дея алоҳида таъкидланди.

Ҳа, бугунги кунда ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қиладиган ҳарбийларимизнинг интеллектуал салоҳияти, билим ва маҳоратининг, замонавий қуролларни ўзлаштириб бориш, оидларига қўйилган жанговар вазифаларини бекамин-кўст бажариб келишадиганлигининг гувоҳимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти - Қуроли Кучлар Олий Бош қўмондонини Исом Каримов 2010 йилни юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилганлиги бежиз эмас. Ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти юксалтириш бугунги кунда миллий тараққийнинг асосий шартини ва мезонига айланмоқда. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом, ҳар томонлама камол топган ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда Қуроли Кучларимизнинг асосий қисминини шартнома асосида хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар, яъни ёшлар ташкил этиди.

Бугунги кунда, дунёда турли ғоявий-мафқуравий ҳуружлар фавж олаётгани халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, аниқка ёш баркамол авлод онги ва қақбига ватанпарварлик, мустақиллик ғояларини чуқур сингдиришни тақозо этмоқда. Бунда мамлакатимиз мустақил тараққий ёлининг ҳуқуқий асоси бўлган Асосий Қонунимизни, унинг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, тасвирлан востилар орқали ёшлар тафаккурига чуқур сингдириш муҳим ўрин тутди. Зотан, ёшлар нафақат конституциявий ҳуқуқларини, балки бурч ва масъулиятини ҳам чуқур англаш лозим.

Конституцияимизнинг муқаддас ҳужжат, беназир ҳуқуқий қадрият сифатида асраш-авайлаш, ўқиш-ўрганиш, мазмун-моҳиятини тушуниш, амалий фаолиятда унга ойишмай риоя қилиш, баён этилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш ва бурчларини виждонан маъсулият билан бажариш, амалиётида татбиқ этиш, келажак авлодга улут неъмат сифатида етказиш, омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, у билан фахрланиш ҳар бир ўзбек фуқароси учун шарафдир.

Конституцияимизнинг муқаддасида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, тинчлик-фаровонликка, ҳуқуқий демократик ва инсонпарвар жамият қуришга бўлган интилиши, ҳуллас бугунимиз, нурли келажакимиз йўлидаги мақсадларимиз аниқ-равшан ифодасини топган.

Конституцияимиз келажакги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қўнуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятга қўнун ва адолат устуворлигини ўрнатиш инсонини олий қадрият деб ҳурматлаб, унинг барча манфаатлари ҳимояси учун хизмат қилади.



Шартнома бажарилмади. Нега?

Эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи, манфаатдорлик, келажакка ишонч кишига нафақат куч-қувват ва шижоат бағишлайди, балки олдий меҳнатдан мўъжизалар яратишга ҳам ундайди. Бугун юртимизда ишлайман, ўз имкониятларимни рўёбга чиқараман, леган холис ният киши борки, уларга барча шарт-шароитлар ва қулайликлар бисёр. Манфаатдорлиқнинг ошиши, одамларнинг тафаккур тарзи ва дунёқарашига эгалик тўғрисида шаклланиш том маънода бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятининг юз кўрсатишига замин яратили.

Шу маънода, биргина фермер ҳўжаликлари ташкил этиш, иш юритувчи маълум имтиёз ва етарли шарт-шароитлар билан бошлаш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлар фикримизга яққол мисолдир. Чиндан ҳам, мамлакатимизда бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаш, унинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Азал-азалдан кун тийида суяги қотиб, қора туپроқ билан тиллашиб қозон қайнатган ўзбек дехқони бугун катта ер соҳибига айланди. Ердан, яратилган имтиёزلардан давлат ва ўз манфаатини бирдай тутган ҳолда фойдаланиш фермерлар юзини ёруғ, истиқболлини нурафшон этди.

Яқин кунларгача ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсоннинг фикри-ёди даладаги пахта ҳосилини сўнгги толасигача нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ишлари билан банд бўлди. Албатта, озгина эътибор-сиёзлик-у боқибегамлик бободехқонларнинг йил бўйи тер тўкиб етиштирган ҳосилини йўққа чиқариши ҳеч гап эмас. Бу борада жойларда тартиб-интизом билан бирга назоратнинг ҳам йўлга қўйилганлиги шундан. Зеро, пахта юртимизнинг миллий бойлиги, юрт иқтисодиётининг муҳим омилли.

Ийғим-терим палласи қизиган давлардан Мингбулоқ туман прокуратураси томонидан ердан фойдаланиш тартибини белгилувчи қонунлар ижросига эътибор қаратган ҳолда тегишли мутахассисларни жалб этиб, назорат текширишлари қўчайтирилди. Ўрганишлар жараёнида, афсуски, қўллаб-қувватлаш ҳолатларга рўбарў келинди. Ердан мақсадсиз фойдаланиш, талон-торождис йўл қўйиш каби ўзбошимчиликлар оқибатида белгиланган режадаги ҳосилини ололмаслик, шартнома шартларини бажармаганлик каби ҳоллари аниқланди. Мана, сизга бир мисол:

Матлуба Абдуллаева муқаддам тўрт бор қора курсига ўтириб, қилмиши учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келган. Шунга қарамай, инсонпарварлик тамойилига асосланган қонунларимиз унга қайта-қайта енгилликлар берди. Бироқ... у ўзини ўнглаб олмади.

Мингбулоқ туманидаги "Тулбоғ" ММТП ҳудудида қўйлашган "Донохон Хаётбек" фермер ҳўжалиги раҳбари лавозимини ишлаб келган Матлуба Абдуллаева, "Тулбоғ" пахта тозалаш акционерлик жамияти билан 2010 йил учун ҳосил етиштириб бериш бўйича контрактация шартномаси тузади. Унга қўра, ҳўжалик 46 гектар ер майдонига чигит экиб, 122,6 тонна пахта хомаёши етказиб бериши лозим эди.

М.Абдуллаева мазкур шартномага асосан йил бошида банкдан пахта ҳосили учун 3 млн. 475 минг 324 сўм имтиёзли кредит олиб, белгиланган

Мухриддин МАМАДАЛИЕВ,
Мингбулоқ туман прокурори

тартибда 46 гектар ерга чигит экиди. Ҳосил униб чиқиши билан туман ер ресурслари ва давлат кадастрига бу ҳақда ҳисобот берган, экин майдонлари мониторингдан ўтказилди. Шундан кейин эса у ўз билганича иш тутуб бошлади. 4,9 гектар пахта майдонини бузиб, ўрнига шолли экиди. "Ғалвир сувдан қўтариладиган палла - пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва уни давлатга топшириш чоғида нима қилман" деб хавотирга ҳам тушмади. Банкдан олган имтиёзли кредитни ҳам ўз манфаати йўлида ишлатиб юборди. Оқибатда, 6 млн. 576 минг сўмлик пахта хомаёсини етиштириш имконияти барбод бўлди.

Ўтказилган текширишлар жараёнида ҳўжалик раҳбарининг қилмиши фош этилиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ҳамда суд ҳукми билан жавобгарликка тортилди. Шунингдек, М.Абдуллаева томонидан давлатга ва банкга етказилган моддий зарар ўндириб бериладиган бўлди.

Юқоридаги қилмиш ортда юрт иқтисодиёти, юксалиши, халқнинг фаровон турмушига кескин таъсир этувчи жиноят этибди. Бундан келиб чиқадики, туманда қилшлоқ ҳўжалигига алоқадор корхоналар ҳамда назорат юритувчи идораларнинг фаолиятини қонқарли баҳолаб бўлмайди. Аввало, улар томонидан экин қилиш майдонларидан фойдаланиш тартиблари ҳақида тушунтириш ишлари етарлича олиб борилмаган. Айрим фермерлар қарғга, нима хоҳласам, шунини экишим мумкин, деган ҳулосага келиб қолганлар ва ғалла ёки пахта майдонларига шахсий манфаатлари йўлида турли сабабларга ҳамда полиз экинларини тап тортмай экиб олганлар. Бу эса йил бошида ўз қўллари билан имзоланган шартнома талабларига зиддир. Ваҳоланки, шартнома икки томоннинг ҳуқуқ-мажбуриятлари ва улар ўртасидаги бошқа шартларни олдиндан белгиллаб бериш учун қўйилган ҳужжат ҳисобланади. Қўра-била турб унинг шартларини бузган ҳар қандай шахс қонун олдида жавобгар бўлиши тайин.

Шу ўринда фермер ҳўжаликлари уюшмаси туман вакиллари, қилшлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими, ер ресурслари ҳамда кадастр бўлимининг раҳбар ва масъул шахсларининг фаолиятини ҳам оқлаб бўлмайди. Агар улар ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиб, вазифаларига қатъий талаб доирасида ёндошганларидеки эди, юқоридаги каби ҳолатларнинг олди олинган бўларди. Зеро, улар ўзларига юклатилган топшириқларни йўл-йўлакай ижро этишдан нарига ўтмасалар, бу каби "тантилиш", ўзбошимчилик ва ҳўжасизликларнинг сони ортаверади.

Мангу ҳилпирайвер, Ватан байроғи!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

У 1991 йил 18 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 7-сессиясида тасдиқланган эди. Мазкур сессияда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида: "Давлат байроғи мамлакат суверенитетининг рамзларидан биридир", дея қайд этилган. Байроғимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлиб, миллатимизнинг буюк ўтмишини, халқимизнинг юксак маънавий қиёфасини ифода этади.

Бинобарин, Юртимизнинг: "Давлатимиз рамзлари - байроқ, тамга, маҳфия, Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирилади, мана шу рамзларни эъзозлаш, ўзининг қадр-қимматида, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш демакдир", деган сўзларидан ҳам бунини аниқлаш мумкин.

Давлатимиз байроғидаги мовий ранг мусавфоси осмонимизни, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлиқни акс эттирса, оқ ранг азалдан поклик, беғуборлиқни ифода қилган. Яшил ранг яшариш ва янгилашни рамзи, шу билан бирга она табиатимиз тимсолидир. Қизил чизиклар эса томиримизда бўлиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётини қудрат ва бардавомлик нишонасидир. Янги чиқиб келаятган ой ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос мазмунга эга.

Нуриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
Дехқонбод туман прокурори
Норбўта ҒОЗИЕВ, «Hudud»

Қўна Шарқда қадимдан ўн икки рақами мукамаллиқни, қомиллиқни аниқлашдан бўлса, янги ой кексаларимиз ният қилганидек, юртимизда тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик барқарорлигининг ифодасидир.

Бугун жаҳоннинг юксак минбарларида, дунё саҳнасида, Олимпияда ўйинларида ғолиблиқни қўлга киритган спортчиларимиз, тобора улкан куч-қудрат ва салоҳият касб этаётган ҳарбийларимиз қўлида сарбаланд бўлган юртимиз байроғи ҳар биримизга юксак ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди. Ана шундай лаҳзаларда қалбларимизда шу байроққа, унинг тимсолида она-Ватанимизга бўлган чексиз ҳурмат, дахлдорлик ҳисси жўш уради.

Мухтасар қилиб айтганда, дунёда миллат ва элатлар, халқлар ва давлатлар кўп. Бироқ шоир "Ватан ягонадир, Ватан биттадир", деганидек, Ўзбекистон битта, унинг байроғи ҳам ягона. Ана шу байроқ остида Юртимиз раҳнамолигида халқимиз учун ҳеч қандай ҳам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлида, эзгу мақсадлар сари олға бораверамиз. Шунда мамлакатимиз мустақиллиги абадий бўлиб, истиқлолимиз рамзи бўлиш байроғимиз ҳам мангу ҳилпираб тураверади.

Халқимизнинг ғурури, ифтихори

Наргиза СОДИКОВА,
Тошкент юридик коллежи талабаси

ётган бинолар ва уйларида бугун сессия давомида;
— Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазириликларини, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек, турар жой биноларида;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда;

— Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланувчи воситаларида — дипломатия протоколининг халқаро қонун-қоидаларига мувофиқ;

— чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ҳамда дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланувчи воситаларида;

— Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фармоишига мувофиқ;

— республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда;

— спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликлари, миллий терма жамоалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг спорт терма қомандаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолиблиқлари мукотибига муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида қўйилади.

Халқаро миқёсда ўтказилаётган спорт мусобақаларида ғолиблиқни қўлга киритган, олимпия шохсупаларига қўйрилган юртдошларимиз шарафига мамлакатимиз байроғи қўйилганда қалбимиз ғурурга тўлади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида турган бошқа шахслар ҳам Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

Шу ўринда бир мулоҳаза: айрим ҳолатларда байроғимиз тасвиридан фойдаланилганда унинг қонунда белгиланган рангли ва схематик тасвирига мос келмаган ҳолатларга ҳам дуч келинади. Ваҳоланки, қонуннинг 10-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ва унинг тасвири катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт ушбу қонунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши керак" деб белгиланган бўлиши.

Шундай экан, миллий ғурур ва ифтихоримиз рамзи бўлган байроғимизга ҳамиша эҳтиром билан муносабатда бўлмоғимиз, уни ҳаммаша юксакларга қўтариб, ардоқламоғимиз шарт.

Ўғлимнинг номига...

Менинг икки нафар фарзандим бор. Уларнинг каттаси ўн бешга, кичиги эса ўн икки ёшга тўлди. Агар мен автомашина сотиб олсам, уни ўғлимларимдан бирининг номига расмийлаштирсам бўладими?

Элмурод Ҳабибов

"Автомобилтранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом" бўйича, автомобилтранспорт воситаларини 18 ёшга тўлмаган шахсларга, автомобилтранспорт воситаларини 16 ёшга тўлмаган шахсларга истисно тариқасида рўйхатдан ўтказишда рўйхатдан ўтказиш гувоҳнома-си ушбу шахсларга расмийлаштирилади. Гувоҳномага ва автомобилтранспорт воситаларини рўйхатга олиш картотчасига: "Транспорт воситаси эгаси 18 (16) ёшга тўлгунча қадар васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки уларнинг қонуний вакиллари (отаналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийлар)нинг рухсатисиз бошқа шахсга бериш шартномалари, ишончномалар бериш ва ижарага бериш шартномаси тузиш тақиқланади" деган ёзув киритилади.

Пул тўласангиз...

Мен яқинда автомашина сотиб олдим. Лекин автосалондагилар машинани бир йил ичма сотолмаслигини, агар сотадиган бўлсам, катта пул тўлашим кераклигини айтишди. Шу ростми?

Рустам Абдурахмонов

Шахсий автомобилангизни сотиш ёки сотмаслик, энг аввало, сизнинг ихтиёриңизда. Бироқ, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 февралдаги "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги 35-сонли қарорига кўра, юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ватанимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган енгил автомобил транспорт воситаларидан, шунингдек, юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, хорижий юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ўз эътиёжлари учун олиб келинган, уларни импорт қилиш (олиб келиш) санасидан бир йилдан кам муддат ўтган янги енгил автомобил транспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни, олдиротди, айирбошлаш, ҳада этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаров, лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридан ундирилади.

Никоҳ қайта тикланадими?

Менинг бир қўшним бундан ўн уч йил олдин Россияга ишга кетганича қайтиб келмади. Хотини туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Улар Россия ички ишлар вазирлигига мурожаат қилишиб, сўровнома юборишди. Уч йил давомда топилмади. Шундан сўнг у одам беракар йўқолган деб топилди. У билан тузилган никоҳ эса бекор қилинди.

Ҳозирда бу каби ҳолатлар оз бўлса-да учраб турибди. Агар юқоридаги каби никоҳи бекор қилинган шахс орадан йиллар ўтиб қайтиб келса, аввалги никоҳи тикланадими?

Қамолддин Райимжонов

Тикланиши мумкин. Лекин бунинг учун шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги суд қарори бекор қилиниши лозим. Ана шундан кейингина эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра, уларнинг никоҳлари ФХДЭ органи томонидан тикланиши мумкин. Агар эр (хотин) бунгача бўлган вақт ичидан янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас. Эски никоҳни тиклаш фақат кейинги никоҳ бекор қилинганидан сўнггина бўлиши мумкин.

Малакаси тўғри келадими?

Республикамизда жуда кўп вақт коллежлардан турли хил соҳа мутахассислари ўқиниш битириб чиқишмоқда. Уларнинг кўпчилиги, ҳусусан, педагогик йўналишдагилари мактабларга бошлангич синф ўқитувчилари сифатида ишга келишмоқда. Айтинг-чи, олий маълумотга эга бўлмаган шахсни ўқитувчи деб айтиш тўғрими? Бу қонунга мувофиқ келадими?

Наримон Зокиров

Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддаси талабига кўра, тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фахриятларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга бундай фаолият билан шуғулланиш учун малака талаблари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, ҳусусан, "Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака Тавсифлари"га кўра, ўқитувчи лавозимига қуйидаги умумий малака талаблари қўйилди:

- а) бошлангич синф ўқитувчилари учун бошлангич таълим ихтисослиги бўйича камида ўрта махсус педагогик маълумот;
- б) фан ўқитувчиси учун фан йўналишига тўғри келувчи камида ўрта махсус маълумот.

Иш тўғри келмасе

Директор ўз ходимини унинг розилигини олмасдан туриб, шу жойнинг ўзида бошқа ишга ўтказишга ҳақлими?

Даврон Шоймардонов

Иш берувчи сифатида ҳақли. Бироқ бу ҳолат қандай келиб чиққанлиги ва унинг қонуний асосларига боғлиқдир. Меҳнат кодексининг 92-моддаси талабига кўра, бошқа доимий ишга ўтказишга, яъни ходимнинг меҳнат вазифи-ларини ўзгартиришга - унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Агар объектив сабабларга кўра, (100-модда иккинчи қисмининг 1,2 ва 6-бандлари ва 106-модданинг 2-банди) меҳнат шартномасида белгиланган қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ҳодим бажараётган ишга ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бир мунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса, қорхонада мавжуд бўлган бошқа ишни тақлиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан беш тортган ёки қорхонада мавжуд бўлган бошқа иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Пенсияга асос...

Мен яқинда 58 ёшга тўлдим. Пенсияга чиқишим учун яна бир йилу саккиз ой қолган эди. Лекин қорхонамизда иш умуман юрмай қолганидан кейин ёпиладиган бўлди. Шунинг учун қорхонамиз директори биздан уэр сўраб, бошқа иш қидиришимизни айтди. Шундан кейин бир икки жойга ишга бориб қўрдим, бўлмади. Мен ҳозир пенсияга чиқсам бўлмайми?

Шокиржон Парпиев

Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисмининг 1-бандида белгиланган тартибга кўра, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сонини (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд қорхонанинг тугатилганлиги сабаб бўлган бўлса, муддатидан аввал ёшга доир пенсияга чиқсангиз ҳам бўлади. Лекин бунинг учун "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ, тилга олинган ҳолатлар муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб этифдор этилган бўлишингиз ва иш стажингиз камида 25 йилдан кам бўлмаслиги шарт.

Республикамиз Адлия вазирлиги томонидан 1999 йилнинг 7 январидан рўйхатга олинган "Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатиш ходимларга муддати-

дан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида"ги 588-сонли Йўриқнома талаби бўйича, бундай шартларда пенсияга чиқиш учун сиз туман(шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан белгиланган тартибда ишсиз деб этифдор этилишингиз лозим. Бунинг учун меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан сўнг ўн кун ичида яшаш жойингиздаги Бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи шахс сифатида мурожаат қилишингиз керак. Бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари бундай шахсларга уч ой муддат ичиде, агарда улар ўн календарь кундан кейин мурожаат қилсалар, ўн кун ичиде мақбул келадиган ишни топишда ёрдам беришлари лозим.

Агар иш қидирувчи шахсларга Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тилга олинган муддат ичиде икки марта мақбул келадиган иш тақлиф қилинмаса, бундай ҳолда улар иш қиди-

Ярмими ёки тўлиқ

Календарь йил давомида икки ой муҳлатга ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўлиқ тўланиши тўғрисида ва бу икки ой бир йўла ёки график асосида бўлиши мумкинлигини газетада ўқиган эдим.

Мени ҳозирда янги очилган коллежга ўқитувчи этишмаслиги сабабли шартнома асосида икки ой ишлаб бериш учун тақлиф қилишди. Агар шу муҳлат ишлаб берсам, пенсия менга тўлиқ тўланадими?

Маҳмуд Хонов

Тўланади. Лекин бунинг учун сиз тузмоқчи бўлган меҳнат шартномаси (контракт) календарь йил давомида вақтинча икки ой муддатнигина ташкил этиши шарт. Ана шундагина пенсия тўлиқ тўланади. Бунда пенсионер ушбу ойлари тўлиқ ёки узлишлар билан ишлаганининг аҳамияти йўқ.

Пенсия пенсионернинг яшаш жойида тўланади.

Агар меҳнат шартномаси (контракт)нинг муддати узайтириладиган ёки пенсионер икки ойдан ошмиқ муддат ишлайдиган бўлса, пенсия тўлови умумий асосларда амалга оширилади. Яъни эллиқ фоиз тўланади ("Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш Тартиби").

Менинг турар жойим

Мен яқинда Тошкентаги қариндошимизниқига уй юмушларида ёрдамлашиш учун борган эдим. Зарурат юзасидан у ерда бир ойдан кўпроқ вақт қолишимга тўғри келди. Шунда ҳузура милиция нозирлари келиб, паспорт режимиини бузаётганини ва икки кун ичиде бу ерда чиқиб кетишини ёки бўлмаса, рўйхатга туришим кераклигини айтишди. Нима учун бундай қилишим керак? Ахир мен бу ерга вақтинчага келганман-ку? Агар милиция ходимлари айтганини қиладиган бўлсам, унда ўз турар жойим рўйхатидан чиқишимга тўғри келадими-ку?


Одина Эртошева

Бу ҳолатда милиция ходимларининг сизга нисбатан қўйган талаблари тўғри. Чунки "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида"ги Низом талаблари бўйича, муайян турар жойини доимий ёки вақтинча ўзгартирган шахс бу тўғрида ИИБдан тегишли тартибда рўйхатдан ўтиши лозим. Бунда шахс доимий яшаб турган жойидан бошқа жойда уч кундан ортиқ вақт бўлганда, доимий турар жой рўйхатидан (пропискадан) чиқмаган ҳолда айна пайтда яшаб турган жойга вақтинча рўйхатга туриши шарт. Бу муддат 3 кундан 6 ойгача бўлган вақтни ташкил этади. Агар шахсининг бошқа жойда бўлиши 6 ойдан ошадиган бўлса, вақтинча бошқа жойда рўйхатга туриш доимий турар жой рўйхатидан чиқарилган ҳолда амалга оширилади.

Саволларга Сергели туман прокурори ёрдамчиси Нафиса РУСТАМОВА жавоб берди

ҲУРАМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.



Тарихингдир минг асрлар...

Ўтган ҳафта, телефон орқали суҳбатимиз чоғида Ҳамза туман прокурори Хуршид ака Жалолов: "Хабарингиз борми, яқинда туманимиз ҳудудидан иккита қадимий остондон топилди", — деб қолди. Қизиқиб қолганимни сезибми, "Истасангиз келиб кўришингиз мумкин", — деди прокурор. Тўғриси, остондон, яъни зардуштийлар даврига оид сопол тобулар ҳақида ўқиган, эшитган бўлсам-да, етарлича тасаввурга эга эмас эдим. Ишларимни якунлаб, туман прокуратурасига йўл олдим. Бундан минг йиллар илгари яшаб ўтган аждоҳлардан қолган, бунинг устига уларнинг эътиқоидан хабар берувчи топилмани ўз кўзинг билан кўришнинг имкони ҳар кунги ҳам бўлавермайди, ахир. Хуршид ака одатдагидай очик чеҳра билан қарши олди ва туман прокуратурасининг ашъвий далиллар сақланадиган хонасига бошлаб борди. У ерда турган иккита сопол остондонни кўриб, мақола учун тайёр мавзу топилганини тушундим ва фурсатни бой бермай Ҳамза туман прокуратураси терговчиси Бунёд Баҳромбековни суҳбатга тортдим.

— Мана шу икки тарихий буюм ҳам қайсидир маънода юртимизнинг узоқ ўтмишидан далолат бериб турирди. Библишимча, одатда бундай нобб, қадимий буюмлар археологлар томонидан қадимий шаҳарлар харобаларидан минг машаққат билан, қазииш ишларини олиб бориш орқали топилади. Бу икки остондоннинг топилиши қандай бўлди?

— Ҳақиқатан ҳам юртимизнинг нафақат Шарқ, балки дунё цивилизацияси бешикларидан бири эканлигини бутун жаҳон тани олган. Унинг ҳар бир қарич ери ўз бағрида аждоҳларимиздан қолган маънавий ва моддий меросни сақлаб келаётгани шубҳасиз. Улар ҳалқимизнинг маънавий бойлиги саналади. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Бунчалик катта меросга эга ҳалқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамлакатларига биз билан беллаша олиши мумкин".

Энди бу икки остондоннинг топилишига келсак, айтиш мумкинки, бу жуда қизиқ бўлган. Туманимиздаги Савес кўчасида жойлашган 17-хонадон соҳиби Баҳодир Мираҳмедов деган йигит ҳовлисида курилиш қилишни мақсад қилиб, бунга икки нафар ёлланма ишчини жалб қилди. Ёлланма ишчилар хонадон четидан пойдевор учун траншей ковлашни бошлашади. Бир метрча чуқур ковланган пайтда, улардан бири иш қуролининг бир метрлар чуқурликдаги қандайдир сопол идишга урилганини пайкаб қолади. Бироз ковлаб кўрса, хумга ўхшаган, қопқоқли сопол идиш кўринади.

Йигитчанинг ўша пайтда ҳаёлидан нималар кечгани бизга қоронғу. Хуллас, у сопол идиш қопқоғини тезроқ очиб кўришга шошилади. Очиб кўради ҳам.

Биласиз, остондон — бу зардуштийлар даврига тегишли бўлган, марҳум суякларни жамлаб қўмиладиган ўзига хос тобут. Йигитча сопол идиш ичи-


даги инсон суякларини кўриб қай аҳволга тушганини тасаввур қилиш қийин эмас. Турган гапки, ёлланма ишчилар шу заҳоти бу ҳақда хонадон эгасига, у эса ҳуқуқ тартибот ходимларига хабар беради.

— Воқеа жойига етиб борган пайтингизда қандай

си, қайси даврга тегишлилиги, тарихий аҳамияти, шунингдек, уларда дафн этилган инсонларнинг ёши, жинси ва бошқа хусусиятларини аниқлаш юзасидан текшириш ишлари ўтказилди.

— Археолог ва мутахассислар ҳулосасига тўхталишдан олдин газетхоналаримизга остондонлар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак...

— Бу ҳақда тарихчилар гапиргани тўғрроқ бўлар эди, менимча. Шундай бўлса-да,



Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани Савес кўчасидан топилган VI-VII асрларга оид сопол остондонлар

тахминлар пайдо бўлди? Ҳар қалай бундай ҳолатга ҳар доим ҳам дуч келинавермайди...

— Нима демокчилигингизни тушундим. Аммо сопол идишларни кўришимиз биланок тарихий аҳамиятга эга буюмлар топилганига гувоҳ бўлаётганимизни билдик. Терговолди текшируви давомида олинган манбаларга кўра, сополдан ясалган ушбу идишлар VI-VII асрларда, яъни Ислом дини кириб келгунга қадар ўлкамизда кенг тарқалган зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ дафн маросимларида ишлатилган остондон (ассурий)лар эканлиги аниқланди. Буни топилмаларнинг кўриниши ва хусусиятлари, шунингдек, уларнинг муқаддам топилган остондонларга жуда ўхшашлиги ҳам тасдиқлади.

Шундай бўлса-да, қоида тариқасида сопол идишлар кўздан кечирилиб, видеоас-вирга туширилди. Уларнинг ичидаги инсон бош суяги ва бошқа тана суякларни бўйича тегишли суд-тиббий экспертизаси тайинланди. Остондонлар ва улар ичида бўлган тупроқ намуналари ҳам экспертиза учун олинди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Яхё Фуломов номидаги археология институти Тошкент экспедицияси мутахассислари жалб этилиб, мазкур остондонларнинг ясалган сана-



Бош прокуратура музейида сақланаётган III-IV асрларга тегишли тош остондон

умумий тарзда, иш жараёнида танишиб чиққан манбалар, адабиётларга асосланиб шунга айтиш мумкинки, остондонлар (фан тилида кўпроқ "ассурий" атамаси ишлатилади) сопол, ганч ёки тошдан тайёрланган унчалик катта бўлмаган суяқдон. Маълумки, миллиондан олдинги VI асрдан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудида зардуштийлик дини кенг тарқалган. Зардуштийлик динига эътиқод қилинган даврларда унга марҳумнинг суяги солиб қўйилган. Одам оламдан ўтганда, ер муқаддас ҳисоблангани учун қўмилмасдан, жасади махсус жойда қолдирилган. Вақт ўтиб суяги ажралиб қолгач, йиғиштириб олинган ва остондонга солиб қўмилган.

Остондонлар турли шакл ва ҳажмда тайёрланган. Республикаимиз тарих музейларида

уларнинг турли кўринишдаги намуналарини кўриш мумкин. Эътибор берган бўлсангиз, Бош прокуратура музейида ҳам III-IV асрларга оид Хоразмдан топилган тош остондон турирди.

Зардуштийликдан бошқа бир қанча динларда ҳам ассурийлардан фойдаланилган. Масалан, Миср, Карфаген, Марказий Америка, Австралия туб жой аҳолиси ассурийларни маълум. Шунингдек, иудаизм, насронийликнинг баъзи йўналишларида эътиқод қилувчилар ҳам ассурийлардан фойдаланиши манбаларда келтирилган. Лекин уларни зардуштийларнинг ассурийлари билан айнан деб бўлмайди.

Остондонлар, уларга ишланган бўртма тасвирилар ва турли рамзлар зардуштийларнинг маросимлари, дунёқарашини ҳақида тасаввур уйғотади.

— Ушбу остондонлардаги уйма нақшлар, унинг ўзига хос шакли-шамойили, қопқоғидаги куш тасвири мутахассислар қандай изоҳлашди?

— Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти Тошкент экспедицияси мутахассислари топилмаларни ўрганиб чиқиб, ўз илмий ҳулосаларини беришди. Унда ушбу сопол идишлар ҳақиқатан ҳам зардуштийлик даврига оид остондонлар эканлиги, шунингдек, ундаги нақшлар кўҳна Тошкент регионига тегишли эканлиги айтилган. Остондонлардан бирининг қопқоғидаги куш шакли ҳам ўша даврга хос

заланган ҳолда дафн этилгандан далолат беради. Хар иккала остондондаги нақшлар ва ясаиш техникаси ўрганилиб, таҳлил қилиниш натижасида уларнинг бир даврга, тахминан эрамининг VI-VII асрларига тегишлилиги маълум бўлди.

Институт мутахассислари уларнинг юртимизнинг Тошкент регионига доир маълумотлар берувчи, тарихий аҳамиятга эга буюмлар эканлигини эътироф этишиб, уларни янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун "Кўҳна Тошкент" экспозициясига топширишни сўрашган.

— Навбатдаги саволим бироз мантиқсиз туюлиши мумкин, нима бўлганда ҳам орадан ўн беш асрча вақт ўтиб кетган... Остондонларга дафн этилган кишилар ҳақида қандайдир маълумотлар олишнинг иложи бўлдики?

— Суд тиббий экспертизаси ушбу суяқлар ҳолатини ўрганиб чиқиб берган ҳулосасида айтилишича, уларнинг ўспиридан болаларга тегишли эканлиги аниқланган. Аммо тос суякларидида ўзгаришлар рўй бермагани учун уларнинг жинсини аниқлаш имкони бўлмаган. Шунингдек, орадан ўтган бир ярим минг йиллик давр уларнинг ўлимига нима сабаб бўлганини аниқлаш имкониятини йўққа чиқарган.

Албатта, булар ҳали дастлабки ҳулосалар. Уйлаймизки, ҳали тадқиқотчилар уларни ўрганиб, кенгрок, батафсилроқ ҳулосалар ҳам чиқаришади.

— Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, яна бир савол: Сизнингча, тарихий меросимизни ўрганиш қай жиҳатлари билан аҳамиятли?

"Тарих ҳалқ маънавиятининг асосидир," — деган эди Президентимиз мамлакатимиз тарихчи олимлари ва журналистлари билан суҳбатда. Халқимизнинг бой маданияти ва маънавияти кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Унинг илдиэлари минглаб йиллар қарйига бориб тақалади. Масалан, ушбу икки остондон мисолида биргина ўша давр маданияти, ҳунармандчилиги, ҳусусан, кулолчилик тўғрисида қанчадан-қанча маълумотлар олиш мумкин. Ёки унга туширилган белги ва рамзларнинг шарҳи-чи?!

Шавкат ЁДГОРОВ
суҳбатлашди



Шахрисабз шаҳридаги Амир Темури номидаги маданият тарихи музейида сақланаётган V-VI асрларга мансуб сопол остондон

услубни англатади. Остондонлар қопқасидаги ўсимлик бутোগини эслатувчи тасвир ҳам рамзий маънога эга эканлиги айтилган.

Остондонлар ичида бўлган инсон суякларини марҳум зардуштийлар урф-одатларига мос тарзда, суяклар этдан то-

Солиқ имтиёзларини қўллашнинг қонуний асослари

Мухтарам Юртбошимиз Ислоҳ Каримов таъаббуслари билан 2008 йилнинг 1 январидан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва мазкур масалага доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қорхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун солиқ имтиёзлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар, уларни жорий қилишнинг умумий қоидалари, имтиёзли солиқ ва мажбурий тўловлар турлари қуйидагилардан иборат:

- олиб чиқарилаётган ва ишлаб чиқарилаётган товарларга солинадиган акциз солиғи;
- Ўзбекистон норезидентдан олинган ишлар ва хизматларга қўшилган қиймат солиғи;
- импорт қилинаётган товарларга қўшилган қиймат солиғи;
- ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар)га қўшилган қиймат солиғи бўйича фойда солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ;
- мол-мулк, ер, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари;
- Республика йўл жамғармасига ажратмалар;
- автотранспортни харид қилиш ва вақтинчалик олиб кириш учун йўл;
- ягона ижтимоий тўлов;
- бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратмалар;
- мактаб таълимини ривожлантиришга ажратмалар бўйича имтиёзли солиқ ставкалари.

Амалдаги солиқ қонунчилиги асослари бўйича, ишлаб чиқариш қорхоналарига (ИЧК), шунингдек, давлат дастурлари ва лойиҳаларини (маҳаллийлаштириш, автомобиль йўллари ривожлантириш, мактаб таълими дастур ва лойиҳаларини) амалга оширувчи ташкилотларга энг кўп имтиёзлар берилган.

Бундан ташқари, янги лойиҳаларнинг (масалан, "Навоий" эркин индустриал-иктисодий зонасини ташкил этиш лойиҳаси, спорт, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги дастурлар ва бошқалар) амалга оширилишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган имтиёзлар жорий этилган.

Ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қорхоналарнинг, шунингдек, маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга оширувчи қорхоналарнинг солиқ юқини анча миқдорда камайтириш

назарда тутилиб, дастур иштирокчиларининг янги рўйхатлари тасдиқланиб, имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилган.

Мамлакатда қорхоналарга тақдим этилаётган имтиёзлар доираси жуда кенг бўлиб, уларни барча солиқлар ва йиғимларни тўлашдан тўлиқ озод этишдан бошлаб, уларни пайсгайрилган ставкаларда тўлашга ҳамда улар қорхона фаолиятининг бутун даврига, айрим ҳолларда эса бир неча йилларга ҳам берилиши мумкинлиги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Солиқлар, мажбурий тўловлар ва йиғимлар бўйича жисмоний шахслар учун белгиланган имтиёзларга эътибор берадиган бўлсак, улар амалдаги қонунларда қуйидагиларга белгиланиб, жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар қуйидаги қўринишда тақдим этилган:

- солиқ тўлашдан алоҳида тоифалардаги жисмоний шахслар, шунингдек, даромадларнинг алоҳида турлари тўлиқ озод қилинади;
 - ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан қисман озод этилади;
 - солиқнинг чегараланган ставкалари қўлланади.
- Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан имтиёзни қўллаш жисмоний шахсларнинг асосий иш жойида, асосий иш жойи бўлмаган ҳолларда эса — жами йиллик даромад ҳақида декларация тақдим этаётганда яшаш жойидаги солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Фуқароларнинг алоҳида тоифаларига мол-мулк солиғи, ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам берилди. Улар асосан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларига, Чернобыль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахсларга, I-II гуруҳ ногиронларига ва бошқа тоифадаги шахсларга берилди.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар мол-мулк эгасининг танлашига биноан мол-мулкнинг фақат бир объектига тааллуқли бўлади ҳамда мол-мулк имтиёзга эга бўлган шахсининг мулки бўлган ҳоллардагина қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 325-сонли Қарори билан белгиланган имтиёзларни қўллаш тартиби хусусида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси

томонидан тушунчалар берилган.

Жумладан, ушбу қарорда 2006 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, қарорнинг 4-илова-сидаги рўйхатга кўра, хизматлар кўрсатаётган юридик шахсларни уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод қилиш назарда тутилган.

Шунингдек, имтиёзларни қўллаш тартиби ва хизматларнинг ҳар бир турини аниқлаштириш, айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом (мазкур низом 1594 рақам билан 2006 йил 17 июль кунини рўйхатга олинган) билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган қарори ҳамда айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ҳисоб-китобнинг нақд пулсиз шакли билан кўрсатилган хизматлар учун имтиёзлар қўллаш тартибини чекламайди.

Юқоридагиларга кўра, даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар, ушбу қарорда қайд этилган нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида ҳақ тўлаш шартлари билан тузилган ҳўжжалар шартномалари асосида кўрсатилган хизматларга ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Айни вақтда юридик шахслар кўрсатаётган хизматларни қарорда кўрсатилган хизматлар сирасига киритиш учун ҳисобот органларининг ёзма ҳуқуқасини олиш ва уни рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йилнинг 4 июнида 2111-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 3 майдаги 37, 2010-20-сон қарори билан рўйхатдан ўтган "Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низом билан мазкур қонунни татбиқ қилишга оид умумий қоидалар билан бир қаторда, имтиёзни қўллаш, маълумотларни тақдим этиш тартиби ва якуний қоидалар белгилаб қўйилган.

Умумий қоидаларда асосан,

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ 2010 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинамаслиги кўрсатилган.

Шунингдек, ушбу низомнинг 1-бандида назарда тутилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёз жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига камайтириш (солиқ чегирмаси деб юритилади) тарзида берилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, низомда солиқ имтиёзини қўллаш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра, солиқ чегирмаси солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларини ўзининг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига ихтиёрий равишда ўтказган жисмоний шахсга берилиши ва бошқа қоидалар қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки билан қилинган низомда солиқ чегирмаларининг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2107-рақам билан 2010 йил 27 майда рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртиларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ҳал этилади.

Солиқ кодексига ягона солиқ тўловини тўловчилар учун ҳам имтиёзлар белгиланган бўлиб, қонун билан белгиланган мезонларга (ҳодимларнинг ўртача йиллик сона) кўра микрофирма ва кичик қорхоналар тоифасига кири-тириладиган юридик шахслар ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланади.

Жумладан, ягона солиқ тўлови тўловчилари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- 1) қорхона тури — солиқ тўловчи қорхоналар;
- 2) имтиёз объекти — янги технологик жиҳозлар харид қилишга йўналтирилган маблағлар;
- 3) имтиёз тури — солиқ со-

Абдурашид МАННАНОВ,
ОУК бошлиги ўринбосари

линадиган база камайтирилади, бироқ солиқ солиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

4) имтиёз бериладиган муддат — 5 йил давомида;

5) қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган асос — ЎЗР СК 356-моддасининг учинчи қисми ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги 3860-сонли Фармонининг 3-банди.

Шу ўринда изоҳ сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

— солиқ солинадиган база технологик жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган солиқ даврдан бошлаб камайтирилади;

— технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб 3 йил ичида солиқ юборилган ёки текинга берилган бўлса, имтиёз бекор қилиниши ва бюджетга ягона солиқ тўловини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади.

Имтиёзни қўллаш тартиби махсус низомга асосан (ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 11 июнда 1688-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) тартибга солинади. Унга кўра, имтиёзни қўллаш мақсадида ёш оила тоифасига ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган эр-хотинлар ҳам кири-тирилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Республика Молия вазирлигининг 2006 йил 20 июндаги 54- ва Давлат солиқ қўмитасининг 2006-28-сонли қарорлари билан тасдиқланган "Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзлари Солиқ кодексидagi 27-бобнинг 158-159, 160 ва 161-моддаларида солиқ бўйича имтиёзлар ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари аниқ белгиланган.

Бундан ташқари, ушбу кодексдаги 31-бобнинг 179, 180-моддалари жисмоний шахсларга берилган имтиёзлар ҳақида бўлиб, унда жисмоний шахсларнинг солиқ солинамаслиги даромадлари ҳамда жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод қилиниши оид ҳуқуқий нормалар киритилган.

Солиқ кодексининг юқорида қайд этилган моддаларига 2008 йил 29 декабрда 196-сонли ва 2009 йил 30 декабрда 241-сонли қонунлар билан айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилган.

Нафс гирдоби

ёҳуд ногирон кимсалар номидан иш кўришдан уялмаган
тадбиркорнинг ажабтовур қаллобликлари ҳақида

Мустақиллик йиллари юртимизда бошқа соҳалар қатори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ҳам кенг йўл очилди. Тармоқ вакилларининг ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари, эркин иш юритишлари, қонуний манфаатлари ва ҳақ-хуқуқларини қонуна ҳимоя қилишлари учун қандай шарт-шароит, имконият имтиёз зарур бўлса, барчаси муҳайё этилди. Ўз навбатида, ҳақиқий ишбилармонларнинг қай билари бу ғамхўрликларга жавобан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан, қай билари бунёдкорлик юмушларини амалга ошириш ёки аҳолига хизмат кўрсатиш билан шугулланмоқдалар. Шу тариқа мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига, шаҳар-қишлоқларимизнинг гуллаб-яшнашига баҳолиқудрат хисса қўшмоқдалар. Пировардида ўзларининг моддий-иқтисодий аҳволларини мустаҳкамлашдан ташқари, одамларни иш билан таъминлаб, аҳоли турмуш даражасининг фаровонлашишига хизмат қилмоқдалар. Бироқ, минг афсуски, гуруҳ курмасиз бўлмаганидек, ана ўша тадбиркорлар орасида фақат шахсий манфаатини ўйлайдиганлари, кингир йўллар билан мўмай даромад орттириш йўлида ҳеч нарсадан тап тормайдиганлари ҳам учраб туради. Энг ачинарлиси, улар ўзларига яратиб берилган имконият ва имтиёزلарни очикдан-очик суистеъмол қилмоқдалар. Қонуний кўпол равишда бузиб, бошқаларни ҳам ортқича ғам-ташвишга қўймоқдалар. Охир-оқибат сирлари очилиб, эл аро шарманда бўлмоқдалар. Мана, битта ёрқин мисол.

Шавкат Сафаров зангиоталик. Пойтахтимиз Бикинидаги Эшонгузар кўрғончасида яшайди. Оилали, уч нафар фарзанди бор. Маълумоти - олий. Ёши бир қанча. Бинобарин, оқ-қорани яхши танийдиган, қонун-қоидадан тегна тушунадиган йигитлар сирасидан. Шунданми, 2005 йил ниҳоясида у замона зайлига боқиб, хайрли бир ишга қўл урди. Эзгу ниятда "Нуроний куч қурилиш" номили кичик хусусий корхона очди. Аммо оранда ҳеч қанча ўтмай ўша эзгу ниятга ҳаромини аралаштирди. Аниқроғи, корхона ҳисоб рақамига бажарилган иш ва хизматлар учун тушадиган маблағлардан солиқ тўламаслик йўлларини ахтара бошлади. Караса, қонунда бунинг учун имтиёз бор экан. Солиқ кодексининг 358-моддасига кўра, агар ишчи-хизматчиларнинг ярмидан кўли, яъни 50 фоиздан ортиғи ногиронлардан иборат бўлса, корхона солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинар экан.

Хўп, буниси яхши. Аммо 9-10 кишилик жамоада бундай имтиёзга эга бўлиш учун ка-

мида 5 нафар ногиронни ишга жалб этиш керакми? Бунча одам топишда тақдирда ҳам улар қурилиш корхонасида ишлашга рози бўлишармикан?

Шавкат ўйлай-ўйлай осон усулни қўлади. Жамоа аъзоларининг ярмини эмас, ўзидан ҳам қаноатланмай, рус ёзувчиси Гоголнинг "Улик жонлар" асарида баён этилган воқеани чинакамга амалиётга татбиқ этди. У.Ортиқов, М.Юсупова, К.Гулматов, М.Абдуазимов, А.Каримов, У.Раҳимбердиев, Р.Набиев, Н.Сагиров сингари турли гуруҳ ногиронларига тегишли маълумотларни уларнинг ўзларига билдирмай зимдан тўлади-да, дадил ишга киришди. Баъзиларини

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси
Матбуот гуруҳи катта инспектори

қадар давлат бюджетига жами 65964400 сўм миқдоридида солиқ пули тўланмай қолишига сабабчи бўлади.

2008 йилнинг ноябрь ойига келиб вазият ўзгарди. Аниқроғи, Шавкат Сафаров энди "Сифатли меҳнат" хусусий корхонасини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилди ва одатдагидек, ноҳўя хатти-ҳаракатларини давом эттирди. Бундан унинг асл мақсади нима эди, олдинги жиноятларини хаспўшлашми ёки ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари диққатини жалғатишми, у ёғи бизга қоронғу. Аммо бу сафар ҳам масъул мансабдор шахс



бўёқчи, баъзилариникини дурадгор, қолганлариникини электрик, пайвандчи ва фарош сифатида штатлар жадвалига тиркади. Сўнгра Давлат солиқ инспекциясига жамоа ахли асосан ногиронлардан иборат эканлигини, шунга мувофиқ, корхонани ягона солиқ тўловидан озод қилишни сўраб ҳисобот йўллади. Шу тариқа 2006 йилнинг январь-август ойларида "Нуроний куч қурилиш" ҳисоб рақамига бажарилган иш ва хизматлар учун тушган 373388400 сўмлик маблағ ҳисобидан жами 48540500 сўм миқдоридида солиқ пулини тўламади.

Ишидан руҳланган Шавкат Сафаров кингирликларини давом эттириб, 2007 йилнинг ёзида "Тиклаш-таъмирлаш" номили янги корхона очиб, давлат рўйхатидан ўтказди. У янги корхонанинг турли банклардаги асосий ва жорий ҳисоб рақамларига бажарилган ишлардан тушган тушумлардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик мақсадига туман солиқ инспекциясига топшириладиган ягона солиқ тўлови ҳисоботида одатдагидек яна сохта маълумотлар киритади. Унда юқорида исм-шарифлари келтирилган ногиронлар гўёки шу ерда ишлаётганликларини қайд этди. Натижада, йил якунига

бўла туриб, тақдоран сохтакорликка қўл ургани аниқ. Бундай дейишимизнинг сабаби, у таъсис ҳужжатлари ва туман Давлат солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларига корхона штат жадвалида етти ишчи-хизматчи туриши, улардан 50 фоизи ногирон эканлиги ҳақида ёлғон маълумотлар киритиб, бу сафар ҳам Солиқ кодексининг 358-моддасида кўрсатилган имтиёздан ноқонуний фойдаланди. Шу зайлда 2009 йил мобайнида 219250,1 минг сўмлик корхона томонидан бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланиши лозим бўлган 17 миллион 540 минг сўм миқдоридида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, масъул мансабдор раҳбар сифатида яхши билар туриб, тўлашдан бўйин товлади.

Табиийки, қор ҳар қанча қалин ёққани билан барибир ёзга етмайди. Кингир ишининг қийини эса, бир қунмас-бир кун, албатта, чиқади. Ана шу боис Шавкат Сафаровнинг ҳуфиёна қилишлари ҳам узоққа бормайди. Аксинча, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Зангиота бўлими ҳамда туман солиқ ин-

спекцияси ходимлари "Нуроний куч қурилиш" ва "Тиклаш-таъмирлаш" корхоналарининг молиявий фаолиятини таҳлил қилишганида сохта тадбиркорнинг кирдикорлари юзга қалқиб чиқди. Дастлабки суриштирувлар жараёнида гувоҳ тарикасида сўралган У.Ортиқов, М.Юсупова, К.Гулматов, М.Абдуазимов, А.Каримов, У.Раҳимбердиев, Р.Набиев, Н.Сагировлар бор ҳақиқатни рўйи-рост эътироф этишди. Ногиронликлари ва жисмоний нуқсонлари мавжудлиги туфайли бирон-бир жойда ишлаш имкониятига эга эмасликларини, Шавкат Сафаровни танимасликларини, ҳеч қачон унинг корхоналарида меҳнат қилишгани ва маош олишмаганини баён қилишди. "Сифатли меҳнат" хусусий корхонасининг фаолияти юзасидан таҳлилий текширишлар ўтказилганда ҳам унинг навбатдаги кингирликлари аниқ далиллар асосида фожия этилди. Хусусан, корхонанинг штатлар жадвалида исм-шарифлари қайд этилган ногиронлардан тўрт нафарининг корхонага умуман алоқаси йўқлиги аниқланди.

Алқисса, текширишлар ниҳоясида Шавкат Сафаров 2006-2007 йиллар оралиғида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлагани оқибатида давлат манфаатларига 114 миллион 504 минг 900 сўмлик, 2009 йил мобайнида 17 миллион 540 минг сўмлик моддий зарар етказгани аниқланди. Шунга кўра, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ногиронларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ва амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ўрнига уларнинг номидан иш қўришни ўзига ор деб билмаган Шавкат Сафаровнинг қилмиши Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди томонидан қўриб чиқилди. Суд мажлисида Шавкат Сафаров ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб, қилмишининг пушаймонлигини бот-бот ўқитди. Суд унинг тавба-тазаррусини ҳисобга олиб ҳамда Олий Мажлис Сенати "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 7-бандини қўллаган ҳолда маскур жиноят ишини тугатди.

У жазодан озод бўлди. Унинг ноҳўя қилмишлари туфайли келиб чиққан катта миқдордаги моддий зарар давлат фойдасига ундириладиган бўлди. Шундай қилиб, юртимизда қарор топган инсонпарварлик тамойиллари Шавкат Сафаровнинг жонига оро кирди.

Ҳаётда яхши даромад қилиб, яхши яшашни истамган одам топиламаса керак. Кишилар унга азалдан турлича йўллар билан эришиб келганлар. Кимдир унга пешона тери эвазига эришса, яна кимдир нопок йўллар гирдобига шўнғиб, қалтис йўллар эвазига эришсади. Аммо аниқ бир ҳақиқат бор, у ҳам бўлса ҳаром лўқма, ҳеч қачон, ҳеч қимга буурмаган. Шавкат Сафаров ҳам қилмишидан тўғри хулоса чиқармаккан, ўзи учун ҳалол йўлни танлармикан? Бунини энди вақт кўрсатади.

Нуқид

Қўлдан кетган имконият

Набижон ЯХШИЕВ,

Бухоро вилоят прокуратураси

бўлим бошлиғи

Моҳира ШАКАРОВА, журналист

Давр аёлининг жамиятдаги ўрни бекийс. Хусусан, раҳбар аёл зиммасидаги масъулият катта бўлиб, хотин-қизларимиз ҳар бир соҳада олдинги сафдалар. Бироқ, баъзи-баъзида қанчалик оғрикли бўлмасин, аёлларнинг жиноятчилик оламига кириб қолаётганидан афсусланасан, киши.

Карима Қудратова фаолияти давомида ташкилотчи, ишонч қўзини биладиган раҳбар сифатида эътироф этилган. Шофиркор туман халқ таълими бўлими бошлиғи лавозимига тайинланганда ҳам опанинг туман зиёлиларига бош бўлишига кўпчилик ишонч билдирган эди. К.Қудратова анча вақт ҳалол ишлаб, обрў топди. Аммо нафсга эрк бериш уни тўғри йўлдан адаштирди.

Суднинг 2008 йил 1-декабрдаги ахиримида кўра, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми тегишли бандлари ва 207-моддасининг 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши 2008 йилнинг 28 август кундаги "Амнистия тўғрисида"ги Қарорнинг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилганда К.Қудратова хатосини тугатиши, бу имкониятдан тўғри фойдаланиши мумкин эди.

Бироқ, у фойдани қўзлади. Мўмай даромадини ўйлаб, жиноятга тақдор қўл урди. Мансаб лавозимини шахсий эҳтиёжлари йўлида суистеъмол қилди.

2009 йилнинг сентябрь ойида мактабга таълим муассасаларига юридик шахс мақоми бериш тўғрисида вилоят молия бошқармасидан кўрсатма келгач, халқ таълими бўлими мудир режа тузди.

"Сиз раҳбарлик қилаётган боғчада мактабга таълим бермоқчиман". К.Қудратова ушбу "ваъда"ни 5-сонли мактабга таълим муассаса услубушноси Дилноза Ҳамроевага берди. Кўп ўтмай бу "янгилик" тумандаги 1, 34, 41-сонли мактабга таълим муассасаларига ҳам "етказилди". Мустақил бўлиш деганда боғча мудирлари Д.Ҳамроева, Д.Худойбердиева, М.Раҳмоновлар нимани назарда тутишди ёки бундан қандай манфаат кутишди, бу бизга қоронғу. Аммо халқ таълими бўлими мудир "ваъда"сини бажариши учун уларнинг ҳар бири юз минг сўмдан пулни "йўл"ини қилиб, опага келтириб беришди.

Иш ими-жимиди битди деб ўйлаган К.Қудратова қонун талабининг қатъилиғи, ноқонуний хатти-ҳаракат суднинг қора қурсисига етаклаши, асосийси эса жиноятга жазо муқаррарлигини унутди. У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси тегишли банди билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Вақт югурик. Беш йил ўтади, ҳазо мuddати тугайди, аммо мисқоллаб йиғилган обрў, эл-юрт олдидаги мулзамлик-чи?

Қабоҳат чоҳи



Баҳодир ЭРКАЕВ,
Китоб туман прокурори

Май ойининг ўртасида Китоб туманидаги Ҳожи кишлоғида муҳтасиб жиноят содир этилди. 1977 йилда туғилган Акмал Эрдонов (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ўз турмуш ўртоғи Наргизани шафқатсизларча пичоқлаб ўлдирди. Нега? Не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғини қасддан ўлдирганга уни нима мажбур этди? Фожианинг ил-дизи қаерда? Ёки Акмал асли-да жиноятчи, қотил эдимиз? Бу фожа ҳақида билган, эшитган кишида шунга ўхшаш изтиробли саволлар туғилиши табиий. Ахир, қизикчилик, охирини ўйламай содир этилган мазкур жиноят туфайли бир ёш аёлнинг умри ҳазон бўлди-ку! Қўлини ўз жуфти ҳалолнинг қониға булганган нақирон йигит эса гуноҳга ботиб, ҳаётини издан чиқарди. Икки орада уч гўдак етим қолиб, оила кўргони вайрон бўлди. Қотилнинг ҳам, ўлдирилган аёлнинг ҳам яқинлари кулфатда ночор, ноилоҳ қолдилар. Бир оиланинг фожиаси қўни-қўшнилар, қариндош-уруғларнинг, маҳалла-қўйнинг тинчини бузди. Жабрдидаларга ачинмаган киши қолмади.

Бу фожа қандай юз берди? Аввало, Акмалнинг ўз хотинини пичоқлашига сабаб бўлган уруш-жанжаллар асос-си рақш, оддий турмуш ташвишлари ва бемаъни иқри-чирлардан келиб чиққаниги кишини афсуслантиради. Агар эр-хотин бир-бирини тушуниб, бири иккинчисини аяб, ҳамжихат бўлиб яшаганлари-да ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетишига, рўшнолик кунларига етишишлари тайин эди. Лекин улар турмуш қийинчиликлари олдида ўзлари-

ни йўқотиб, муроса қилолмай қолдилар. Жаҳолатга берилиб, ҳаётнинг, тинчлик-тотув-ликнинг қадрига етмадилар. Охир-оқибат ҳаёт дея аталмиш улуғ неъматни гурбатга айлантирдилар...

Акмал билан Наргиза 2003 йил 10 октябрда катта орзу-ниятлар билан турмуш қуришган эди. Аввалига бинойидек ҳаёт кечиришди. Бу орада бирин-кетин уч ўғил дунёга келди. Акмал мардикорчилик қилиб, анча-мунча пул топиб турарди. Лекин ҳунар ўрганиб, бирон жойда муқим ишлашга унинг бўйни ёр бермади. Кундан-кунга қоридан барака кетиб, топанга рўзгорига етмай қолди. Чунки вақт ўтган сайин ўғилчалари ўсиб, каттароқ қиймат киядиган, кўпроқ озиқ-овқат ейдиган бўла бошлашди.

Аслида оилада фарзандларнинг дунёга келиши эр-хотиннинг бир-бирига янада меҳр қўйиб, жипслашишига олиб келиши лозим эди. Бироқ оила боқош учун факат севгининг ўзи қифоя қилмас экан.

Наргиза рўзгор ишлари билан банд бўлгани ҳолда Акмал ҳеч қаерда ишламагани боис кун-лари жуда ночор ўтарди.

Хуллас, озроқ вақт ўтиб, эр-хотин ўртасида турли келиш-мовчиликлар пайдо бўла бошлади. Наргиза эрига тиргак, суянчиқ бўлиш ўрнига: "Сен ҳеч қаерда ишламайсан, пул топмайсан", деб таъна қилиш-ни одат қилса, Акмал ҳам оилавий аҳволни тузатиш, рўзгор учун тўрт-беш сўм топиб келиш ҳаракатида бўлмади. Уларнинг боши-кепи йўқ гавғоларидан қариндошлари ҳам безор бўлишди.

Шундай кунларнинг бири-да Наргиза турмуш қийинчиликларини деб эри билан ора-ларида ишончсизлик пайдо бўладиган ҳаракатини содир этди. Боз устига тилини ҳам тиймади. Бу эса унинг фожиали ўлимига сабаб бўлди.

Наргизанинг 2010 йил 1 май куни "Мазам йўқ. Шахри-сабз шаҳридаги тоғаманика" бориб, дўхтирга қўринамани", деб уйдан чиққанча, Тошкент-га ишлаш учун кетиб қолгани

ёнаётган оловга керосин сеп-гандай бўлди. Акмал хотини алдаб Тошкентга кетганини билгач, унинг акасига теле-фон қилиб бир келиб-кетиши-ни сўрайди. У ҳам майли, бо-раман дейди-ю, лекин сўзи-нинг устидан чиқмайди. Акмал унга қайта телефон қилиб, синглиси Наргизанинг уни ал-даб, Тошкентда мардикорчи-лик қилиб юрганини айтиб бе-ради. Ака эса бу гапга: "Синг-лиминини нима қилсангиз қила-веринг, бизнинг ишимиз йўқ", дея жавоб беради. Акмални энди рақш ўти ўртар, ҳаёлан турли кўчаларга кириб чиқа-ри.

9 майдан 10 майга ўтар ке-часи Наргиза уйига кириб кел-ганида Акмал: "Бу ерда яша-га ҳақнинг йўқ, кет!" деб уни ҳайдайди. Лекин Наргиза чи-қиб кетмай: "Кетсам нарсала-римни ҳам олиб кетаман", деб жажл қилади. Жанжал эртаси-га ҳам давом этади. Жанжалга ўқатса профилактика инспек-тори Ихтиёр ҳам аралашади. У: "Ҳозир нарсаларингизни олиб кетмайсиз. Бу масалани маҳалла ва суд ҳал қилади, мен жанжал қилманглар, деб келдим", дея уларни тинчлан-тиришга уринади. Барибир Наргиза кетмоқчи бўлиб, юк-ларини йиға бошлайди. Буни кўрган Акмал: "Душанба кун-и судга борамиз, шунгача сабр қилгил. Ундан кейин нарсала-рингни олиб кетишинг мум-

кин", деса ҳам, Наргиза унга кулоқ солмайди. Бундан Ак-малнинг жаҳли чиқиб: "Сени урмайман, урсам ўлдириб қўяман", дея дўк уради. Аммо хотини "ўлдирсанг ўлдир", деб унга ташланади.

Балки Акмал "Буларнинг барчаси хотинимнинг доимги ўжарлиги", деб индамаганида фалокат юз бермасмиди?! Ле-кин у босиқлик қилиш ўрнига жаҳолатга берилди. Қабоҳат чоҳига қандай қулаганлигини ўзи ҳам билмай, хотинини пичоқлаб ўлдирди.

Гарчи Яратган томонидан ақл ато этилган бўлса-да, одамзотнинг гуноҳга ботиши, жиноятга қўл уриб қўйиши жуда осон. Агар у ўша ақлни ишлатмаса, ҳар лаҳзада жун-бушга келадиған ахтирослари-га эриқ бераверса, ўзининг қан-дай қилиб ноҳўя қадам ташлаб қўйганини билмай қолади. Жаҳл чиққанда тилига ва қўлига ҳоким бўла олган кишигина фалокат ва ёмон оқибатларга олиб келадиған жиноят кўча-сига кирмайди. Таассуфки, юқорида баён этилган фожа бири тилини, иккинчисини эса қўлини тия олмаганлиги, ўзаро ишончнинг йўқлиги, Акмалнинг жаҳлига ҳоким бўлмаганли-ги оқибатида юз берди, дейиш мумкин.

Инсонга бир марта берила-диган ҳаётнинг қадрига етиш керак. Унга жон ато этадиган ҳам, вақти келганда жонини оладиган ҳам Яратганнинг ўзи. Инсон томонидан бировнинг ҳаётига қасд қилиш эса гу-ноҳи қабирадир. Оғир жино-ятга қўл урган Акмалга суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди. Турмуш чорраҳа-ларида адашмаслик учун ҳар биримиз бу фожадан тегиш-ли ҳулоса чиқаришимиз за-рур.

Ўзаро боғланган жиноят

Фахриддин СУЛТОНОВ,

Навоий вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Гиёҳвандлик, гиёҳфурушлик шундай иллатки, унинг домига тушганлар бора-бора инсонийлик қиёфасини йўқотиб, ин-сонларга хос ҳис-туйғулардан бегоналашиб, ижтимоий ҳаф-ли нусхага айланиб қолади.

Ўтган йилнинг 27 январь куни соат 19:00 лар атрофида Навоий шаҳрининг Пушкин кўчаси 4-йи ёнида Андрей Ев-сеев вилоят ИИБ ходимлари томонидан шубҳа остига олиниб, текширилганда унинг шиши орқа чўнтағидан дафтар варағига ўралган яшил рангли модда топилиган. Бу модда 3,1 грамм оғир-ликдаги "марихуана" гиёҳвандлик моддаси эканлиги ва А.Ев-сеев уни Ю.Скоромкиндан сотиб олганлиги аниқланган.

Олиб боришдан тезкор тадбирлар натижасида Юрий Ско-ромкин тахминан соат 18:45лар атрофида ўз уйида сақлаб ке-лаётган "марихуана" гиёҳвандлик воситасининг 3,1 граммини дафтар варағига ўраган ҳолда А. Евсеевга 35 минг сўмга сот-ганлиги аниқланган.

Шунингдек, ИИБ ходимлари Ю.Скоромкиннинг уйдан даф-тарнинг учта варағига алоҳида-алоҳида ўралган умумий оғир-лиги 5,65 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситасини топиш-ган.

Ю.Скоромкин ўз уйида Р.Юсувалиевдан сотиб олган "мари-хуана" гиёҳвандлик воситасини ўтказиш ва сотиш мақсадида ноқонуний тарзда сақлаб келган. Ю.Скоромкин илгари А.Ев-сеев билан биргаликда 3-4 мартаба "баклажа" ёрдамида ясал-ган махсус "қурилма" ёрдамида "марихуана" гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишган.

Гиёҳвандлик воситасини сотиб олиш, сотиш, ўтказишдек жиноий фаолият билан шуғулланган "ҳамкорлар"нинг учинчи-си Рашид Юсувалиевдир. У кўп миқдордаги "марихуана" гиёҳ-вандлик воситасини сотиш ва ўтказиш билан шуғулланиб кел-ган. Р.Юсувалиев ушбу гиёҳвандлик воситаларини ўчқуқлик ўқтам исмли шахсдан сотиб олганлигини билдирган. Р.Юсува-лиев ана шу гиёҳвандлик воситасини сотиш ва ўтказиш мақса-дида Ю.Скоромкиннинг хонадонига сақлаб келган.

Уч киши ўртасида ўзаро боғланган жиноий ҳамкорлик фош этилди ва уларга нисбатан суд томонидан жазонинг муқаррар-лиги таъминланди.



Қўли эгри жўралар

Файрат САРИБОВЕВ,

Боевўт туман прокуратураси терговчиси

Маҳалладаги дўкон бир гуруҳ собиқ синф-дош жўралар учун ўзига хос гурунгла-шадиган жойга айланиб қолган. Қўли ишдан бўшаган заҳоти улар бирма бир шу жойга йи-ғилишар, гоҳ ярим тунга қадар шу дўкон олди-дан силжмай ўтираверишарди. Айни йигир-мага тўлиб, ғайрати ичига сиғмайдиган, чарқок нималигини билмайдиган жўраларга фақат бир нарсаси - мўмайгина пул етишмасди, ҳолос. Нав-батдаги гурунда улар бунинг ҳам осон йўлини топишди. Тушдан кейин Анваржон Холбоев синфдоши Ҳулом Ҳайиткулов билан дўконча ол-дидаги навбатдаги учрашувга биринчилардан бўлиб келишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай уларнинг қаторидан тенгдош жўралари Гулму-род Абдурахмонов, кейин эса Мансур Абдуна-заров навбатта-навбат жой олишди. Улардан икки ёш кичик бўлган Жўрабек Бегалиев ҳам акалари орасига суқилди. Гапдан гап чиқиб, мўмайгина пул топиш йўллари ҳақида баҳс бош-ланди. Улар бир тўхтама келишган эди...

Даладан ўтган газ қувурларини кесиб олиб сотсак, катта пул бўларди, - деди жўралардан кимдир. - Тўғри, тунда бориб ўмарсак, бизни ҳеч ким сезмайди, - деб қўшимча қилди иккин-чиси. Катталарнинг галига қулогини динг қилиб ўтирган Жўрабек: "Менинг уйимда темир ке-садиган арра бор", - деди уларнинг қаторига қўшилиб олиш илинжида. Шу куннинг ўзида соат 21:00 да дўконча олдида тўпналишган беш-овлон 1-Боевўт СФУ ҳудудидаги "Одилхўжа" фермер хўжалиги даласидан ўтган газ қувур-ларини ўғирлаш илинжида йўлга тушдилар.

Уларнинг орасида темир кесадиған арра кўта-риб олган Жўрабек ҳам бор эди. Қўзланган жойга етиб келишгандан сўнг бир соат даво-мида сариқ ранга бўйланган газ қувурини турли хил узунликда кесиб олишга муваффақ бўлди-лар. Тахминан 50 метрга яқин газ қувури 16 бўлакка бўлинди. Темир қувурни кесгунча бўлари бўлган жўралар зил-замбил қувурлар-ни кўтариб, Жўрабек Бегалиевнинг уйига олиб боргунларича беллари синая деди. "Газ қувур-лари сенкида эканлигини ҳеч ким билмасин. Клиент қилиб қолиши билан пуллаб юбора-миз", - деб гап ўқтиришди Жўрабекка.

Уларнинг мўмайгина пул топиш ҳақидаги илинжлари хом ҳаёл бўлиб қиди. Орадан бир неча кун ўтмай беш оғайин ботирлар тергов-да ўз жиноятларини тан олиб, боз эғиб ўти-ришар эди. Маълум бўлишича, улар томони-дан кесиб ўғирлаб кетилган газ қувури диа-метри 50 мм.лик бўлиб, узунлиги 50 метр экан. Шоввоэлар шу тариха Боевўт тумангаз филиа-лига қарашли ҳамма нархи 225 минг сўмлик газ қувурини ўмаришган.

Жиноят ишлари бўйича Боевўт туман суди А.Холбоев, М.Абдуназаров, Ф.Ҳайиткулов, Г.Аб-дурахмонов. Ж.Бегалиевларнинг барчасига бир хил жазо тайинланди, яъни уларнинг ҳар бирига 2 йилга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланиб, ҳар ойда иш ҳақларидан йигирма фоизи дав-лат даромадига ушлаб қолиндиған бўлди.

Гапдан гап чиқиб, шу жиноятни содир қилиб қўйган бу йигитлар бундан кейин гапларини ўйлаб гапирадиган бўлишдаи ва эр кишига уят бўлган бу каби жиноятлар кўчасидан нари юра-ди деган умиддами.

Гаитидан Доминикангача

Доминикан Республикасида кўшни Гаитини қамраб олган вабо эпидемиясига чалинган дастлабки бемор расман қайд этилди. Шифокорлар гаитилик 32 ёшли Вильмон Лузал исмили шахсга шундай тахвиш қўйишди, деяр ҳабар беради Франсес Пресс агентлиги. Тахмин қилинишича, у таътил вақтини ватанида ўтказаяётганида шу касалликни ўзига юктириб олган. Сўнгра 12 ноябр кўни қурилишдаги ишни давом эттириш учун Доминиканга қайтиб келган. Орадан кўп ўтмай унда вабо аломатлари юзга чиқкан. Ҳозирги пайтда Лузал Игуэй шаҳридаги шифохоналардан бирига даволаш учун ётқизилди. Доминикан Соғлиқни сақлаш вазирли Бутайста Роясининг сўзларига қараганда, беморнинг аҳоли барқарор ҳолатда сакланиб турибди.

Доминикан Соғлиқни сақлаш органлари "гаити вабоси" республика ҳудудида кенг тарқалмаслиги учун бутун чегараларни ишга солимоқдалар. Гаити давлатидаги ижтимоий ва иқтисодий аҳолининг ёмонлиги туфайли кўплаб гаитиликлар қўшни давлатдан паноҳ топиш учун Доминикан чегарасини ноқонуний тарзда бузиб ўтишар-
япти. Яширин қочқор-
лар вабо тарқатувчи-
лар бўлиши мумкин-
лигини эътиборга
олиб, доминиканлик-
лар Гаити билан чегарани қўриклашни кескин қучайтирдилар. 16 ноябрнинг ўзида икки давлат сарҳадида салкам 170 нафар гаитилик ўшланган.




Наркотик воситалар контрабандасининг пайи қирқилди

Украина хавфсизлик хизмати наркотиклар контрабандасида гумон қилинган икки нафар украиналик шахсни қўлга олди. "Украина хабарлари"нинг маълум қилишича, гап Иљич денгиз портида олиб қўйилган, қиймати 15 миллион доллардан ортиқ бўлган гашиш гиёҳвандлик моддаси ҳақида бормокда. Мозамбикдан келган кемадаги юклар орасидан топилган гашиш миқдори 759 килограммни ташкил этган. Ушланганлар ҳақида фақат улардан бири харьковлик, иккинчиси эса одессалик эканлиги маълум қилинган, холос. Бошқа бир хабарда эса Германияда маҳаллий полиция томонидан юк эгаси қўлга олинганлиги, бу шахс Канада фуқароси эканлиги айтилади.

Чилилик аёллар норозилиги

33 нафар чилилик аёллар шу йил 27 февраль кунги рўй берган zilзиладан жабрланганлар учун мўлжалланган ишга joyлашиш дастурининг бекор қилинишига қарши Бю-Био туманидаги ёпиб қўйилган шахтада жамулжам бўлишган. «EFE» агентлигининг хабарига кўра, аёллар "ибليس шамоли" шахтасига тушиб, 900 метр чуқурликда қамалиб олишган. Улар zilзиладан жабрланган ҳудудларда яшовчи аҳолини иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган дастурнинг амал қилишини қайта тиклашни талаб этмокдалар. Норозилик билдираётган аёллар талаблари қондирилмагунча ер остидан чиқмасликини айтиб, ҳатто очлик эълон қилиш билан ҳам нўпўси қилишган.

Шуни таъкидлаш кераки, юқорида тилга олинган дастурнинг амал қилиш муддати 4 ноябрда тугаган эди. Дастур доирасида Био-Биода яшовчи минглаб кишилар ер қимирлашидан кейин ишга жойлаштирилган. Дастур муддати тугагач, 17 минг аҳоли ишсиз қолди. Улар орасида норозилик билдираётган 33 нафар аёл ҳам бор.



Ким қанча тўлайди?

Жамоат транспортида юриш бўйича туристик шаҳарлар рейтингига Москва 28-ўринни эгаллайди. Бу рейтингни эълон қилган «Price Travel» портали ҳодимлари дунёда машҳур бўлган 80 та туристик шаҳарларнинг жамоат транспортида йўлқирчи нархларини ўзаро таққослаб шундай хулоса беришди. Жамоат транспортида юрганлик учун энг кам ҳақ тўланадиган шаҳар Венесуэла пойтахти Каракас экан. Бу шаҳарда метро ёки автобусда юрганлик учун 0,12-0,28 доллар ҳақ тўланади. Иккинчи ўринга эса 0,17 долларлик кўрсаткич билан Қоҳира қўйилди. Учинчи ўрин Дехли шаҳрига берилган бўлиб, бу ерда метро чиптасининг нархи 0,18 доллардан 0,66 долларгача туради. Рейтинг натижаларига кўра, Москвада метрода юриш баҳоси 0,84 долларни ташкил этган.

Жамоат транспортида чипта ҳақи энг юқори бўлган шаҳарлар қаторига Копенгаген, Осло ва Венеция киритилган. Чунончи, Венецияда дарё трамвайида юриш учун сайёҳ 8,9 доллар сарфлашига тўғри келади. Портал ходимларининг фикрига кўра, Каракас рейтингда биринчи ўринни эгаллашига қарамай, туристлар учун қиммат шаҳарлардан саналади.



Журналистлар жосусликда айбланди

Эрон ҳукумати хибсага олинган икки нафар немис журналистини ислом республикасига қарши жосусликда айблади, деб хабар беради "Spigel" нашри. "Уларнинг жосуслик фаолиятига гумонимиз ўз тасдиғини топди", дея маълум қилди Эроннинг Шарқий Озарбайжон вилояти адлия бошлиғи.

Эслатиб ўтамиз, журналистлар октябр ойида хиёлати учун тошбўрон қилишга ҳукм этилган эронлик Сакинэ Аштинанинг ўғлидан интервью олмақчи бўлганларидан сўнг хибсга олинган эди. 15 ноябр, душанба кuni журналистлар Эрон марказий телевидениеси орқали намойиш этилди. Улар ўз сўзларида "хатто" ларини ошқора тан олишган.

Журналистларнинг гапларини томошабинларга таржима қилиб берган эронлик телешарҳловчининг сузларига қура, улар бarcha айбни ГФРда яшовчи тошбурун қилишга қарши қўйишга котиби Мина Аҳадийга тўқнаган. Мина Аҳадий эса телерон орқали Франс Пресс мухбирига баёнот бериб, журналистларни Эронга юбориш билан шуғулланмаслигини, йўлга отланиш олдидан уларга эҳтиمول тутилган хавфлар ҳақида батафсил гапириб берганини айтган. Унинг фикрича, таъзиқ ўтказилгани тўғрисида журналистлар шундай гапларни айтишган.

Эрон ҳукумати икки немиш журналистини гарчи журналист сифатида ишлашга келган бўлсалар-да, Эронга ўтиш учун туристик визадан фойдаланганида айбламюкда. Германия ҳукумати дипломатик йўллар орқали ўз фуқароларини озод қилишга бир неча бор ҳаракат қилиб кўрди, бироқ бу сайёҳаракатлар ҳозирча ҳеч қандай натижа бергани йўқ.

Ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар

Германияда етакчи бўлган ХДС партияси вакиллари Карлсрузда бўлиб ўтган партия съездида Ангела Меркель ҳукмати тақдим этган, ГФР қурулloi кучлари сонини қисқартириш ҳамда ҳарбий хизматга қакирувни тўхтатиб туриш на- зарда тутилган бундесверни ислох қилиш лойиҳасини маъ- кулладилар. Съезд катнашчилари олдида сўзга чиққан ГФР мудофаа вазири, ХСС вакили Карл-Теодор Цу Гуттенберг ислохот режасини тақдим қилар экан, ўзи ҳар доим ҳар- бий хизматга қакирув тарафдори бўлиб келганини, бироқ айни вақтда муддатли ҳарбий хизматчилар бундесверда ўтказадиган олти ой на уларга ва на армияга фойда келтиришини билдирган.



Банк сирі сиёсатидаги ўзгариш

Хусусий активларни бошқариш бўйича дунёда иккинчи ўринда турадиган Швейцариянинг UBS банки банк сирى сиёсатидаги ўзгаришлар тудайли бадавлат хорижий сармоядорлар кредит муомасасида 15 миллиарддан 40 миллиардгача швейцария франклрини олиб чиқиб кетишлари мумкинлигини башорат қилди. Кўрсатиб ўтилган пвл микдори бошқа Европа давлатларидадан бўлган ҳат элликларнинг UBSдаги "офшор" ҳисобларида сақланаётган маблағнинг каттагина улушини ташкил этади. Ушбу банк Швейцария ҳукумати банк сирى масаласида ён босганидан кейин бой бақилиш мумкин бўлган пвл микдори ҳақида биринчи бўлиб маълум қилишга журъат эди.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2009 йилнинг август ойида UBS ва AQSH ўртасида банк солиқларини тўлашдан бўйин товлаган ўзининг 4450 та мижози ҳақида маълумот бериши юзасидан бир қарорга келинган эди.

Интернет хабарлари асосида Бахтиёр НАЗАРОВ тайёрлади

[illegible]

"DASHQADARYO RIELT UNIVERSAL" МҶМ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2010 йил 16 декабрь куни соат 11:00 да бошлангич баҳоси охиб бориш тартибдаги қўлиб ўғатилган очiq аукцион савдоларига умрбод мерос қилиб қолдириш шарти билан, яқка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ҳар бири 0,06 гадан иборат ва "Савдо дукони ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини қуриш ҳуқуқини сотиш учун" ҳар бири 24 м² дан иборат бўлган қўйидаги ер майдонлари қўйилди:

1. Касби тумани, "Қамаши" ҚФЙ, Қамаши қишлоғи ҳудудидан 25 та ер майдони. Ҳар бир объектнинг бошланғич баҳоси - 80 000 (саксон минг) сўм.

2. Деҳқонбод тумани, Қорашина аҳоли пункти ҳудудидан 11 та ҳамда Деҳқонбод тумани, "Оқработ" ширкат ҳужумати, "Нолира" МФЙ ҳудудидан 8, 56, 100 ва 105 - сонли ер майдонлари. Ҳар бир объектнинг бошланғич баҳоси - 80 000 (саксон минг) сўм.

3. Деҳқонобод тумани, Қорашина аҳоли пункти ҳудудидан ҳар бири 24 м² дан иборат бўлган "Савдо дўкони ва маиший хиз-

мат кўрсатиш объектларини қуриш ҳуқуқини сотиш учун" 17, 23,25 ва 32 - сонли ер майдонлари.

Ҳар бир объектнинг бошланғич баҳоси - 100 000 (бир юз минг) сўм.

Очиқ аукцион савдоларига қўйиладиган ер майдонлари қўйидаги шарт асосида савдоларга чиқарилади:

Аукцион савдосида иштирок этиш учун закатал тўғрисида келишувни имзолагандан сўнг уларига тегишли бўлган пластик карточка ёки омонат дафтарчалари орқали объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдоридagi закатал пулини "QASHQADARYO RIELT UNIVERSAL" МЧЖнинг СТИР 300910806, МФО 00152 AT "Микрокредит банк" Қарши шаҳри филиалидаги 20208000804724175001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдосида да митроққ етиш иста-
гидаги талабгорлардан аризаларни қабул
қилиш ҳар бир савдо бошланишидан 3
(уч) кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси Ғолиблири савдо нати-
жаси тўғрисидаги баённома имзоланган

кундан бошлаб, яъни 20 (ийтирма) календарь кун муддат ичида сотувчи билан даялат активи олди-сотди шартномаси имзоланган ва ҳар бир ер майдони учун Деҳқонобод тумани бўйича 112 000 (бир юз ун икки минг) сўмдан ер ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўловларни амалга ошириши керак.

Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган ер майдонлари ва савдо дўкони ва машина хизмат кўрсатиш объектларини куриш ҳуқуқини сотиш бўйича такрорий аукцион савдолари давом эттирилади ва 2010 йил 23, 30 декабрь ҳамда 2011 йил 6 январь кунлари соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга қўйилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиб, мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар аукцион ташкилотчисига қўйидаги ҳужжатларни 2 нусхада тақдим этишлари шарт:

Ер майдонини сотиб олиш учун буюртмамона нусхаси, закатал пули тўғрисидаги қелишув битимининг нусхаси, савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закатал пулини тўлаганликларини тасдиқлов-

чи тўлов хужжатининг асл нусхаси:

Юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг нусخаси, жимоний шахслар - фуқаролик паспортининг нусхаси, савдода ишончли вакил иштирок этганида, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Аукцион савдоларида иштирок этиш ис-
тагидаги талабгорлардан буюртмаларни
қабул қилиш хабарнома (реклама ва эълон-
ларнинг) газетادا чоп этилган кундан бош-
лаб ҳар кун (дам олиш ва байрам кунла-
ридан ташқари) соат 9:00 дан ва 18:00 га
қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоси куйидаги манзилда ўтказилади. Қарши шаҳри, Мустиқлик шох кучаси, 3-уй, вилоят Давлат мулки бош қармасининг мажлис залли. Аукционда қатнашиш тартиби билан бўлиб қўлган барча масалалар юзасидан қўшимча маълумот олиш манзили: Қарши шаҳри, И.Муминов кўчаси "Нарғиза" маиший хизмат уйи, 2-қават. Мўлжал: Қарши темир йўл шохбегали. Телефакс: (8375) 227-20-28.



Мақсад – эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш

Аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизмига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасида акциядорлик тижорат "Асака" банк Сурхондарё вилояти филиали томонидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу айниқса иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланишига жалб қилиш, мини банклар тармоғини кенгайтириш, акциядорлар ва бошқа мижозлар манфаатларини ҳимоялаш ҳамда уларга юқори даражада хизмат кўрсатишда ўз ақсини топмоқда.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда банклар фермерларнинг ишончили ҳамдори ва таянчига айланди. Жорий йилда "Асака" банк Сурхондарё вилояти филиали томонидан 2010 йилда пахта етиштирувчи 17 та фермер ҳўжаликларга 674,8 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, фермер ҳўжаликларга ўтган 9 ой давомида маиший хизмат кўрсатиш биноларини қурилиши учун 1 млрд. 168 млн. сўм ҳамда техника сотиб олиш учун 10 млн.сўм миқдоридagi кредитлар берилди.

Ўтган давр мобайнида филиал банк пластик картчакорларни янада қўлайтириш, маъмур картчакорлар бўйича амалга оширилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва яхшилаш, уларга хизмат кўрсатувчи банкомат ҳамда савдо терминаллари инфратузилмасини қўлайтириш ишларини ҳам давом эттирмоқда. Жумладан, 2010 йилнинг октябры ҳолатига филиал томонидан 288 та давлат ташкилоти ҳамда хусусий фирмалар, шунингдек, фермер ҳўжаликлари билан иш ҳақи лойиҳаларини сўм пластик картчакорларига ўтказиш бўйича шартномалар расмийлаштирилган. Шу кунгача мижозларга филиал

томонидан 24836 донa пластик картчакорлар муомалага чиқарилган бўлиб, шундан 20176 донa картчакор айнан иш ҳақи лойиҳа шартномаси орқали, 28 донaси корпоратив пластик картчакор, 310 донa пластик картчакор эса жисмоний шахсларга тарқатилган. Ушбу кўрсаткичларнинг йил сайин ўсиб бориши "Асака" банк Сурхондарё вилояти филиали жамоаси мижозлар олдидаги вазифасини сидқидилдан адо этаётганлигидан далоятдир. Жорий йилнинг октябры ҳолатига мижозларнинг сўм пластик картчакоридagi қолдир маблағлари 1млрд. 147 млн. сўмни ташкил этиб, 2009 йил октябры ҳолатига нисбатан бу кўрсаткич 514,4 млн.га ўсганлигини қўйишимиз мумкин.

Бундан ташқари, филиал томонидан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш, автомобильларга ёнили қўйиш шохобчалари ҳамда аҳолидан нақд пул қабул қилувчи бошқа шохобчаларга жами 208 та терминал ўрнатилган. Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ва бошқа тўловлар учун 14 та терминал ишлаб турибди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сонин эса 194 тага етди. Пластик картчакорларнинг аҳоли учун яна бир афзаллик жиҳати шуки, унга ўтказилган маблағ йўқолмайди, эскирмайди, ўғирланмайди ва даромад келтирди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан банк ўртасидagi ҳамкорлик ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бораётганини эътироф этиш жоиз. Хусусан, ўтган давр мобайнида филиал томонидан уларга барча молия манбаалари ҳисобидан 7,4 млрд. сўм миқдоридagi кредитлар ажратилди. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан эса 7,2 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар ки-

чик бизнес ва хусусий тармоқнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Ажратилган кредитларнинг 2855,6 млн. сўми саноатга, 489,7 млн. сўми қишлоқ ҳўжалигига, 200 млн. сўми қурилишга, 293,2 млн. сўми маиший хизмат кўрсатишга, 3295,0 млн. сўми савдо воситачилик учун ва 226,9 млн. сўми бошқа тармоқларга тўғри келмоқда. Жумладан, "Камалак" хусусий қорхонасига эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш учун 30 млн. сўм ҳамда "Пўлат Алп" хусусий фирмасига гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш учун 50 млн. сўм миқдоридagi кредит маблағлари ажратилди. Ажратилган барча кредитлар ҳисобига 166 та янги ишчи ўринлар яратилди.

Банк универсаллигини таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бу кўп жиҳатдан юқори малакали ва тажрибали ходимларнинг ўз вазифаларига қай даражада ёндашуви ҳамда илганувчанлигига боғлиқ. Шу боисдан банкнинг вилоят филиали доимий равишда ўзининг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини кучайтириш, аҳоли ҳамда кенг жамоатчиликнинг банкка бўлган ишончини қозониш йўлида изчил фаолият олиб бормоқда. Бу эса мижозлар сонининг ошишига, нақд пул тушумининг қўлайишига хизмат қилаяпти.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш, уларнинг барча жаҳода меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароит яратиб берилган. Шу боис бугун қайси соҳани олмайлик, аёлларнинг ўз ўрни мавқеи бор. Шундан экан, бу йил филиал томонидан 291 млн. сўмлик кредит тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилди.

"Асака" банк Сурхондарё вилояти филиали томонидан аҳолининг кам таъмин-

ланган қатламига имтиёзли кредитлар ажратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Шу мақсадда ҳозиргача 63 нафар кам таъминланган оилага 163,2 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш бўйича филиал томонидан олиб борилаётган ислохотлар омонатчилар манфаатини қўллаб-қувватлашга қаратилганлигини эътироф этиш жоиз. Омонатчиларга яратилган қўлайликлар ҳамда омонатларнинг дахлсизлиги, давлат томонидан кафолатланганлиги мингларча омонатчиларнинг банкка бўлган ишончини оширмоқда. Мижозларга юқори даромад келтирувчи миллий валютада омонатлар жорий этилган. Хусусан, "Яхши ният", "Сармоя", "Тўхфа" каби жозибдор омонат турлари аҳолининг бўш пул маблағларини қабул қилишга шай турибди. Бугунги кунда филиалнинг 7 та мини банки ҳамда 4 та жамағарма кассаси фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг барчасида жисмоний шахслар омонатлари билан ишлаш йўлга қўйилганлиги банкка жалб қилинадиган аҳоли бўш маблағлари миждорининг ортиб боришига хизмат қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, республикамиз иқтисодининг қон томири ҳисобланган банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиори остида меҳнат қилаётган мамлакатимиздаги йирик ва салоҳиятли банклардан бири Давлат акциядорлик тижорат "Асака" банкнинг Сурхондарё вилояти филиали ҳам келгуси йилда улкан режаларни амалга оширишга бел болаган.

"Асака" банк матбуот хизмати

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК Наманган вилоят филиали очик танлов ва очик аукцион савдоларига таклиф этади!

1. Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидagi танлов савдосига Янгикўрғон тумани Молия бўлимига қарашли "Озода" номи 43-сонли мактабгача таълим муассасасининг мулкий мажмуаси қўйилди.

Бошланғич баҳоси - 36 090 660 сўм.
Объектнинг умумий ер майдони 1666 м², қурилиш майдони 428,96 м², фойдали майдони 357,96 м², боғча биносининг хоналар сонин 9 та, фойдали майдони 312,82 м². Ошхона, омборхона ва бошқалар мавжуд.

Танлов савдосининг асосий шартлари: объектни сотиб олиш бўйича энг юқори миждордagi сотиб олиш баҳосининг ва энг юқори инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш ва қисқа муддатларда амалга ошириш, фаолият турини сақлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларнинг очилиш 2010 йил 20 декабрь куни соат 16:00 дан бошлаб Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уйда бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари, улар учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридagi тўловни "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Наманган вилояти филиалининг қўлида берилган ҳисоб рақамига тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда тўловни амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси такдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангичидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Танлов савдоларида қатнашишни истган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қўйилган ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт: танлов қатнашчисининг талабномаси; танлов ҳужжатлари, шу жумладан, таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, тугувонома) хорижий сармоядорлар - ҳуқуқий шахслар учун

Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондagi Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб такдим этилиши лозим; закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг реквизи-тарли; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси ва бошқалар илова қилинган ҳолда. Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши, шунингдек, такдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ушбу кунда танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такоррий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларнинг очилиш 2010 йил 22 декабрь кунлари соат 16:00 дан бошлаб ўтказилади. Танлов ҳужжатлари рўйхати қўйида берилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдagi 343-сонли қарорига мувофиқ, қўйилган автотранспорт воситалари 2010 йил 22 декабрь куни соат 15:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси охири бориш тартибидagi ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйилади:

1. Наманган вилоят қон қўйиш мар-

кази балансидagi 1989 йилда и/ч таъмирталаб "ГАЗ-66", д/б 16 АН 846, бошланғич баҳоси 2 670 055 сўм; 1989 йилда и/ч таъмирталаб "ГАЗ-66", д/б 97-68 НАЛ, бошланғич баҳоси 2 670 055 сўм.

2. Наманган вилоят ДСЭНМ балансидagi 1970 йилда и/ч таъмирталаб "ГАЗ-51 А", д/б 47-17 НАА, бошланғич баҳоси 225 000 сўм; 1975 йилда и/ч таъмирталаб "ИЖ-2715", д/б 12-15 НАГ, бошланғич баҳоси 325 000 сўм. Аукцион савдолари Наманган шаҳар, Банк кўчаси 9-уйда, вилоят Давлат мулки бошқармаси биносининг савдолар залида ўтказилади. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат аввал тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қўйилган ҳужжатларни 2 нусхада топшириш керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги тугувонома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ушбу кунда сотилмаган тақдирда такоррий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг чоршанба куни сотилгунга қадар соат 15:00да бўлиб ўтади.

Танлов ва аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар "Закалат пули тўрисидаги келишув" нн имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Наманган вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 026761326, 2021000404537599004 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш манзили: 160100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 1-қават, 15-хона. Тел/факс: (8 369) 223-04-01, 226-41-66 www.mulk.uz

E-mail:info@mulk.uz

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қўнунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансаторликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютата оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қўйилган "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнунроқ қилишингиз мумкин.

№	Прократура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадар вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 222-45-71

Бундан ташқари фуқароларнинг илтимос ва мунозараларини қўнунлиқ навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қўнуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Заҳматкаш аёл

Прокуратура фахрийси Венера Луқмонова табаррук 80 ёшни қаршиламоқда.



Венера опа Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимидаги 42 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида Наманган вилоят прокуратурасида терговчи, бўлим прокурори, Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, Андижон вилоят прокуратураси судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, Тош-

кент шаҳар прокуратураси тергов бошқармаси прокурори, Тошкент шаҳар прокуратураси ички хавфсизликни таъминлаш бўйича шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Тошкент шаҳар прокуратураси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бўлими катта прокурори, Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси каби лавозимларда самарали фаолият юритиб, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатни қарор топтиришдек шарафли вазифага ўз ҳиссасини қўшди. Энг муҳими, у қаерда ва қайси лавозимда ишлашдан қатъи назар ҳамisha тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Венера опа меҳнатсеварлиги, шогирдларига ғамхўрлиги, инсонлар билан самимий муносабати туфайли эл-юрт ҳурмати ва эъзозига сазовор бўлди. Ҳукуматимиз ва Республика прокуратура органлари раҳбарияти томонидан унинг меҳнатлари муносиб баҳолалиб, уч маротаба Фахрий ёрлик ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўрак нишони билан тақдирланди.

Ҳурматли Венера Ҳанафьевна, Сизни кутлуг 80 ёшингиз билан муборакбод этиб, Сизга сihat-саломатлик, оилангизга тинчлик ва осойишталик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

«HUQUQ»

газетаси таҳририяти тажрибали журналистларни Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари бўйича мухбирлик лавозимига ишга таклиф қилади.

Талабгорлар куйидаги маълумотлар кўрсатилган резюмеларини huquq.uz@gmail.com электрон манзилига юборишлари мумкин.

1. Ф.И.Ш.;
2. Манзили;
3. Фотосурати;
4. Маълумоти (ўқув муассаса номи);
5. Иш стажи (фаолият даври, ташкилот номи);
6. Охириги чоп этилган материаллари (қачон ва қайси нашрда);
7. Компьютерни билиш даражаси;
8. Телефон рақами;
9. Қизиқишлари.

Шунингдек, саҳифаловчи дизайнерларни ишга таклиф қилади.

Резюмелари мос келмаганларга жавоб қайтарилмайди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази, Тошкент шаҳар ҳамда Қашқадарё вилоят прокуратуралари жамоалари прокуратура фахрийси

Шариф ҚЎЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди

Уч ўйиндаги биргина ғалаба ҳам олимпия терма жамоамизни гуруҳдан олиб чиқди. Гарчи ғайритабиий туюлса-да, бу айни ҳақиқат. А.Убайдуллаевнинг шогирдлари гуруҳ баҳсларида Бангладешни мағлубиятга учратиб, Гонгконг ва БАА термаларига мағлуб бўлгани ҳолда, тўплар нисбати минус бир ҳолатда нимчорак финал йўланмасини қўлга киритди. Ўзбек футболининг эртаси дея эътироф этилаётган олимпия термамиз Гунжоуда бўлиб ўтаётган XVI Осиё ўйинларини жуда бўш бошлаган эди. Гонгконг олимпия терма жамоаси билан бўлган ўйинни рақибни менсимасликка йўлган эдик. Бироқ БАА олимпиячилари асл аҳволимизни кўрсатиб қўйишди. Ўша ўйинда дарвозамиздан учта тўп олиб чиқиши фикримизнинг яққол мисоли бўла олади. Бу ўйинлари билан А.Убайдуллаев шогирдлари ҳафсаламизни пир қилишган эди.

Омад кулиб боққанда

Мусобақа регламентига кўра, нимчорак финалда Ўзбекистон олимпия терма жамоаси қатарликларга қарши баҳс олиб боришига тўғри келди. Ўйин олдидан терма жамоамизда биргина йўқотиш бор эди. БАА билан бўлган учрашувда энг яхши ҳимоячимиз Ислам Тўхтажоев кизил карточка олган эди. Бундан ташқари, Қатар амалдаги Осиё ўйинлари чемпиони ҳисобланар эди. Терма жамоамизнинг бўш ўйинлари, ишонган ҳимоячимизнинг майдонга туша олмаслиги ва амалдаги чемпионга қарши ўйнаш - буларнинг барчаси ўйин олдидан жиддий хавотирланишимизга сабаб бўларди.

Энди бевосита ўйин ҳақида. Учрашувнинг биринчи бўлимида кўпроқ ташаббусга эга бўлган қатарликлар майдонда ўзларини жуда эркин ҳис қилишди. А.Убайдуллаевнинг шогирдлари эса қарши ҳужумларда ўз омадларини синая кўришди. Аммо ҳар иккала

ғалаба. Шундан сўнг вакилларимиз янада ҳужумкор ўйин намойиш қила бошлашди. Умуман олганда, иккинчи бўлимда биринчисидан фарқи равишда бизникилар ҳужумда, қатарликлар эса қарши ҳужумда ҳаракат қилишди. Очиғи, қатарликлар иккинчи бўлимда пенальтилар серияси учун ўйнаётганга ўхшади. 90 дақиқа давомида ҳар иккала дарвозанинг дахлсизлиги сақланиб қолган, қўшимча бўлимларга рухсат берилди. Қўшимча бўлимларнинг биринчиси сал бўлмаса, дарвозамизга гол киритилиши билан бошланиши мумкин эди. Ҳимоячимиз дарвозабон Темураевга тўпни қайтарди. Жўраев эса нима мақсадда тўпни оёқлари орасидан ўтказиб юборганини тушунмадим. Унинг қўпол хатосидан сўнг қатарлик футболчи тўпни эгаллаб олди ва бўш қолган дарвозани ишғол қила олмади. Ҳужумчининг хатти-ҳаракатлари дарвозабонимизнинг хурмача қилигидан ҳам ошиб тушди. Ўша вазиятда қандай қилиб дарвозамизга тўп киритилмаганига ҳайрон қолдик. Тўғрида, тўп киритмасликдан кўра, киритиш осон эди ўшанда. Хитойлик журналистлар ҳам гол киритилмаганига ғажат ва ғажат ҳайрон бўлишмоқда.

Дарвозабонимизнинг қилиғини эса умуман оқлаб бўлмайди. Назаримизда, дарвозамизни қўриқлашга Мисрда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ўзининг ажойиб ҳаракатлари билан муҳлислар қалбини забт этган дарвозабон Санжар Қувватов кўпроқ муносибга ўхшаб кўринмоқда. Темураев тажрибали бўлиши мумкин-дир, аммо унда иштиёқ йўқ. Қувватов эса шижоатли, ғай-



терма жамоа ҳам биринчи бўлимда ҳисобини оча олмади.

Иккинчи бўлимда бизникилар бироз жонланишди. Ўйиннинг 59-дақиқасига келиб, хатто ҳисобни очигиш ҳам мумкин бўлишиди. Бурчакдан тўп киритилганидан сўнг рақиб дарвозабони хатога йўл қўйиб, тўпни қўлидан чиқариб юборди. Бу вазиятда Шерзод Аъзамов имкониятни қўлдан чиқармади. Бироқ австралиялик ҳакам дарвозабонга нисбатан қўполлик ишлатилди, деган ваз билан голни ҳисоб-



Мақсудали ҚАМБАРОВ, журналист

ратли дарвозабон ҳисобланади. Эҳтимол, шуларни ҳисобга олган ҳолда кейинги ўйинда А.Убайдуллаев дарвозабонларни алмаштирар. Яна билмадик. Бу бош мураббийнинг иши.

Қисқаси, ўша вазиятда омад кулиб боқмаганда билмадик, ўйин қандай натижа билан якун топар эди. Бахтимизга бундай бўлмади. Қўшимча бўлимларнинг иккинчисидан ниҳоят бизникилар ҳисобини очиди. Чап қанотдан ташкиллаштирилган ҳужумда Кенжа Тўраев тўпни жарима майдони ичига кириб бораётган Иван Нагаевга етказиб берди. Дарвозабон билан бирга-бир вазиятга чиқиб борган Нагаев узоқ бурчакни нишонга олди. Буёғига пенальтилар серияси учун ўйнаётган қатарликлар жонланиб қолишди. Тахминан 10 дақиқа қатарликлар ҳужумга зўр беришди. Қатарлик мураббий йўқотадиган ҳеч нарсаси қолмаган, майдонга тўртинчи ҳужумчини ҳам туширди. Аммо бу ҳам наф бермади. Аксинча, бор кучи билан олдинга ташланган қатарликлар, бизникилар томонидан жазоланишлари ҳам мумкин эди. Лекин дарвозаларга бошқа тўп киритилмади. Шу кун омадимиз келди. Бироқ, фақатгина омад эвазига ғалаба қозондик, деган фикрга қўшилмаймиз. Футболда бир ақида бор: "Омад кучлиларгагина кулиб боқадир". Шундай экан, футболчиларимиз Қатар олимпия терма жамоаси аъзоларидан қучлироқ эканлигини амалда исботлаб, ҳақли равишда зафар қучганига шубҳа йўқ.

Энди вакилларимиз чорак финалда мусобақа мезбони Хитой олимпия терма жамоасини йирик 3:0 ҳисобида тормор этган Жанубий кореяликларга қарши майдонга чиқишди. Нимчорак финалдаги омад чорак финалда ҳам бизга кулиб боксин, дея умид қиламиз.

Huquq
yuridik gazeta

Муассис:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yusubboy G'OIPOV,
Svetlana ORTIQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2009 yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'yimlar taqdir
qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish
faqat tahririyat ruxsati bilan amalga
oshiriladi.
© — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun
tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-479. 22 464 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: S.BORBOJONOV
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Navbatchi: O'ZDEHQONOV

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alfsher Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.
Sotuvda
kelishilgan narxda